

# Маҳалла

ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ,  
МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ ГАЗЕТА



ШАНБА, 15 ОКТАБЬР 2022 ЙИЛ | №41 (2075)

www.xolisnazar.uz



@xolis\_nazar



@xolisnazar



«ҲЕЧ БИР ФУҚАРО ЎЗИНИНГ МУАММОЛАРИ БИЛАН ЁЛғИЗ ҚОЛМАСЛИГИ КЕРАК. АҲОЛИ КАЙФИЯТИ — ИСЛОҲОТЛАРИМИЗ ВА СИЁСАТИМИЗНИНГ КЎЗГУСИ. КАТТА-КИЧИК БЎЛАДИМИ, АҲОЛИМИЗ КЎТАРГАН ҲАР БИР МУАММОГА ЎЗ ВАҚТИДА МУНОСАБАТ БИЛДИРИШ, УЛАРНИ БОСҚИЧМА-БОСҚИЧ ҲАЛ ҚИЛИШ БАРЧА ДАРАЖАДАГИ РАҲБАРЛАРНИНГ ЭНГ УСТУВОР ВАЗИФАСИ БЎЛИШИ ШАРТ ВА ЗАРУР»

## «МАҲАЛЛА БЮДЖЕТИ» ТИЗИМИ ЖОРИЙ ЭТИЛАДИ

2-саҳифада.

### ЖАРАЁН

**150 МИЛЛИОН СЎМГАЧА ГАРОВСИЗ  
КРЕДИТ БЕРИЛАДИ**



КРЕДИТЛАР ЙИЛЛИК 14 ФОИЗ МИҚДОРИДА, 6 ОЙГАЧА  
ИМТИЁЗЛИ ДАВР БИЛАН 12 ОЙ МУДДАТГАЧА, 50 ФОИЗИГАЧА  
БЎЛГАН ҚИСМИ НАҚД ПУЛДА ТАҚДИМ ЭТИЛАДИ. ЖАМҒАРМА  
МАБЛАҒЛАРИ ГАРОВ ТАЪМИНОТИ СИФАТИДА  
ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

8

### ВАЗИЯТ

**ОИЛАДАГИ ҚОТИЛЛИККА ҚАНДАЙ  
БАРҲАМ БЕРИШ МУМКИН?**



МУАММОЛАРНИНГ БАРЧАСИ ЭСКИЧА ИШЛАШ УСУЛЛАРИГА  
БОРИБ ТАҚАЛАДИ. ЯЪНИ ҲИСОБОТЛАР УЧУН ИШЛАШ,  
БИР-БИРИДАН КЎЧИРИЛГАН ҲИСОБОТЛАРНИ ЮҚОРИГА  
УЗАТИШ ОРҚАЛИ КҮН КЎРИШГА ЙЎНАЛТИРИЛГАН ИШЛАШ  
УСУБИ ДАВОМ ЭТМОҚДА

14

### ТИББИЁТ

**«ТЕЗ ЁРДАМ» ШИФОКОРИНИ УРИШ  
НЕГА «УРФ»ГА АЙЛАНЯПТИ?**



ТИЗИМДА ТЎПЛАНИБ ҚОЛГАН МУАММОЛАР ҲАМДА АҲОЛИ  
ЎРТАСИДА ЕТАРЛИЧА ТАРҒИБОТ ИШЛАРИНИНГ ОЛИБ  
БОРИЛМАЁТГАНИ ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАРГА САБАБ БЎЛМОҚДА.  
ОДАМЛАРИМИЗГА ДОКТОР БУ ДЎСТ, ДЎСТ БЎЛГАНИДА ҲАМ  
ЭНГ ЯҚИН ДЎСТ ЭКАНИНИ УҚТИРИШИМИЗ ДАРКОР

15



## КУН МАВЗУСИ

Энди маҳалла ҳокимнинг қовоғига қараб қолган, кимнингдир ёрдамига муҳтож тузилма эмас, барча жараёнларнинг марказида турувчи, одамларни ҳаракатга келтирувчи ижтимоий кучга айланади. Бундан, албатта, ҳамма ютади: давлат ҳам, маҳалланинг ўзи ҳам, оддий одамлар ҳам.



## «Маҳалла бюджети» тизими жорий этилади

**«БАРЧА ҲОКИМ ВА ВАЗИРЛАР ЭШИТИБ ОЛСИН. ПРЕЗИДЕНТ СИЁСАТИ ВА ТАЛАБИ ШУНДАЙ: ҲЕЧ БИР ФУҚАРО ЎЗИНИНГ МУАММОЛАРИ БИЛАН ЁЛҒИЗ ҚОЛМАСЛИГИ КЕРАК. АҲОЛИ КАЙФИЯТИ — ИСЛОҲОТЛАРИМИЗ ВА СИЁСАТИМИЗНИНГ КЎЗГУСИ. КАТТА-КИЧИК БЎЛАДИМИ, АҲОЛИМИЗ КЎТАРГАН ҲАР БИР МУАММОГА ЎЗ ВАҚТИДА МУНОСАБАТ БИЛДИРИШ, УЛАРНИ БОСҚИЧМА-БОСҚИЧ ҲАЛ ҚИЛИШ БАРЧА ДАРАЖАДАГИ РАҲБАРЛАРНИНГ ЭНГ УСТУВОР ВАЗИФАСИ БЎЛИШИ ШАРТ ВА ЗАРУР»**

**Президент Шавкат Мирзиёев раислигида 11 октябрь кун маҳаллаларда тизимли муаммоларни ҳал қилиш бўйича видеоселектор йиғилиши бўлиб ўтди. Айтиш кераки, мазкур йиғилиш кўлами ва аҳамияти жиҳатидан маҳаллалар ҳаётидаги энг муҳим воқеликлардан бири бўлди. Қуйида Президент томонидан илгари сурилган ташаббуслар ва улардан кутилаётган натижаларга эътибор қаратамиз.**

**1. ЖОРИЙ ЙИЛГИ ДАСТУРЛАР ДОИРАСИДА 4100 ТА МАҲАЛЛА ОБОДЛИГИ УЧУН 29 ТРИЛЛИОН СЎМ АЖРАТИЛДИ.** Бугунги кунда юртимизда 9 370 та маҳалла бор. Президент топшириғига кўра, уларнинг ҳар бирига борилиб, аҳолини қийнаётган муаммолар рўйхати шакллантирилган. Бу жараёнда аҳоли томонидан 12 мингта масала кўтарилган. Шундан келиб чиқиб, яна қўшимча равишда 4 979 та маҳаллада режалаштирилган «Обод қишлоқ» ва «Обод маҳалла» жамғармаларига 1 триллион 700 миллиард сўм йўналтирилади. Эҳтиёжга қараб, йил якунига қадар яна 1 триллион сўм ажратилади.

Бу шуни англатадики, ободлик, бунёдкорлик нафаси яна кўплаб маҳаллаларга кириб боради. Ўтган асрнинг олтинчи-етмишинчи йилларида барпо этилган барак-уйлар, абгор ҳолатдаги қишлоқ ва маҳаллалар қиёфаси тубдан ўзгариб, янгича замонавий кўринишга келади. Ўз навбатида обод маҳалла ва қишлоқ одамларининг қалби ҳам обод, маданияти ҳам юксак бўлади.

**2. ВИЛОЯТ БЮДЖЕТЛАРИ ҚЎШИМЧА МАБЛАҒЛАРИНИНГ 30 ФОИЗИ «ТАШАББУСЛИ БЮДЖЕТ» ЛОЙИХАЛАРИГА БЕРИЛАДИ.** Жорий йил иккинчи ярмида бу лойиҳада 9 201 та (98 фоиз) маҳалла иштирок этди ва 1 418 та лойиҳа ғолиб деб топилиб, уларга жами 1 триллион сўм маблағ утказиб берилди. Президент таклифи билан яна икки мингтадан ортиқ овоз тўплаган, лекин ғолиб бўлмаган 364 та лойиҳа учун қўшимча 335 миллиард сўм ажратилган бўлди. Энг муҳим жиҳати, келгуси

йилдан вилоят бюджетлари қўшимча маблағларининг 30 фоизи «Ташаббусли бюджет» лойиҳаларига йўналтирилиши айтилди. Бу — яна қўшимча 1 триллион сўм дегани.

Бу шуни англатадики, эндиликда маҳаллалардаги инфратузилма учун маблағлар фақатгина «Ташаббусли бюджет» орқали аҳоли истаган лойиҳаларга ажратилади. Ўз навбатида маблағлар қиймати 3,5 бараварга оширилиб, 8 триллион сўмга етказилади. Натижада энди фақат ҳокимлик белгилаб берадиган, шароити у қадар оғир бўлмаса-да, дастурларга кириб қоладиган маҳаллаларда бунёдкорлик ишлари бажарилишига, ортиқча маблағларнинг беҳуда сарфланишига чек қўйилади. Маҳалладаги муаммо оғирми, бунини шу ерда яшаётганларнинг барчаси ўз танасида ҳис қиляптими, марҳамат, «Ташаббусли бюджет»да қатнашинг, фаол бўлинг ва керакли маблағни қўлга киритинг. Умуман олганда, энди қайсидир маҳалладаги муаммони ҳокимлик ҳал этиб беришини кутиш шарт бўлмайди, одамларнинг ўзлари ташаббус кўрсатиб, бунини бартараф этиши мумкин. Давлат раҳбари қайд этганидек, шунда ўғирлик бўлмайди, адолат бўлади, одамлар ўзлари ҳисса қўшган лойиҳаларни, албатта, асраб-авайлайди.

(Шу ўринда яна бир гап — «Ташаббусли бюджет» лойиҳасининг платформаси тўлиқ қайта кўриб чиқилиши керак. Овоз беришда қийинчиликлар (платформанинг қотиб қолиши, овозларни ҳисобга олмаслиги, SMS-хабарларнинг кетмаслиги каби) шу қадар кўп учраётгани, унинг муддатини қайта-қайта

қўшишга тўғри келяпти. Қолаверса, жараёнда худудлардаги аҳоли сонини инобатга олиш тизимини ишлаб чиқиш керак. Чунки баъзи маҳаллаларда 2-2,5 минг аҳоли яшаган ҳолда, қўшни маҳаллада 6-7 минг аҳоли истикомат қилади. Бу эса овозлар сарҳисотида катта фарқни юзага келтирмоқда).

**Муҳим жиҳат:** давлатимиз раҳбари мутасаддилар этиборини республика бўйича 1,5 мингта маҳалла аҳолиси бирорта лойиҳага овоз бермаганига қаратди. Яқинда маҳаллаларда раислар сайлови бўлиб ўтгани, янгидан сайланган раислар одамларга ваъдалар бергани, лекин тақдир этилаётган бу имкониятдан фойдаланмаётганини кўрсатиб ўтди. «Мудраб ўтирган» раисларни фаолликка чақириш, керак бўлса, ўқитиш кераклиги таъкидланди.

**3. ҲАР БИР МАҲАЛЛА ЎЗИНИНГ МУАММОСИНИ МУСТАҚИЛ ҲАЛ ЭТИШИ УЧУН «МАҲАЛЛА БЮДЖЕТИ» ТИЗИМИ ЖОРИЙ ЭТИЛАДИ.** Келгуси йил 1 январдан бошлаб, ҳар бир вилоятнинг солиқ ундириши паст бўлган биттадан туманида, тажриба тарихида, аҳолининг мол-мулк ва ер солиғини

ундириш маҳалланинг ўзига ўтказилади. Бунда ундирилган мол-мулк ва ер солиғи маҳалла бюджетига қолади. Ҳар йили 1 февралга қадар ҳокимлар маҳалла раиси ва ҳоким ёрдамчилари билан бирга маҳалла бюджетини ҳисобидан ҳал қилинадиган лойиҳалар рўйхатини туман Кенгашларига тасдиқлаш учун киритади.

Сир эмас, қуйи бўғиндаги барча муаммо маҳаллага келиб тақалади. Маҳалла раиси мазкур жараённинг ҳаммасида иштирок этиши шарт. Аммо шундай паллада раисларни қийнаб келаётган бир масала юзага чиқади: маҳалланинг ўз маблағига эга эмаслиги. Шу боис айрим ўринларда бу тузилма «номи улғу — супраси қуруқ» ташкилотга айланиб қолаётгани бор гап. Бунда йиғин учун керакли бўлган концелария маҳсулотлари, компьютер жиҳозларини ходимлар ўз ҳисобидан сотиб олаётганини кўя туринг, маҳаллалар ўз худудидаги айрим камчиликларни (масалан, ички йўллари таъмирлаш, пиёдалар йўлакларини қуриш, болалар, спорт майдончаларини бунёд этиш) ўз билганича ҳал қилолмайди. Ўзида маблағ бўлмагани боис ё давлат дастурларига кўз тикади,

ё бирор сахий тадбиркор қўлига қараб қолади.

Демак, худуд ривожланиши учун, аввало, маҳалланинг ўз бюджети бўлиши керак. Президент таклиф этаётган «Маҳалла бюджет» тизими айнан юқоридаги камчиликларга барҳам бериб, маҳалланинг ҳам сиёсий, ҳам ижтимоий, ҳам иқтисодий салоҳиятини оширади. Маҳалла раислари узоқ кутилган, уларни анча йиллардан бери ўйлантириб келган ва бугунги кунда долзарб аҳамият касб этаётган «молиявий дастак»га эга бўлишади. Бу орқали уларнинг ўз худудини обод қилиш ташаббуслари ортади.

Энди маҳалла ҳокимининг қовоғига қараб қолган, кимнингдир ёрдамига муҳтож тузилма эмас, барча жараёнларнинг марказида турувчи, одамларни ҳаракатга келтирувчи ижтимоий кучга айланади. Бундан, албатта, ҳамма ютади: давлат ҳам, маҳалланинг ўзи ҳам, оддий одамлар ҳам. Зеро, эндиликда маҳалла даражасидаги ҳар қандай муаммо шу жойнинг ўзида ҳал этилади. Маҳалла том маънода халққа яқин, кўмакчи, муаммога ечим топадиган тузилмага айланади.

Санжар ИСМАТОВ.

### МАВЗУГА ОИД МАЪЛУМОТ

Йиғилишда худудларни кўкаламзорлаштириш масаласига алоҳида эътибор қаратилди. Жумладан, «Яшил макон» умуммиллий лойиҳаси доирасида йил якунига қадар 75 миллион дона, 2023 йил баҳор ойларида яна 125 миллион дона мевали ва манзарали кўчатлар экиш вазифаси қўйилди. Ўтган йилги тажрибадан келиб чиқиб, 20 октябрдан 1 декабргача кўчат экиш бўйича «долзарб 40 кунлик» эълон қилинади.

Аҳоли хонадонларида ва дала четларида кўпроқ мевали дарахтлар ва сабзавот экишни фаол тарғиб қилиши кераклиги таъкидланди. Вилоят ҳокимларига куз мавсумида кам таъминланган 500 минг хонадонга 10 тупдан мевали дарахтлар кўчатини бепул тарқатиш топширилди.

«Дарахт ҳавас билан экилиши, халқимиз, маҳаллаларимизнинг маданиятига айланиши лозим», — деди Президент.



# ОММАВИЙ ҚАБУЛ

Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан тиббиёт олий ўқув юрталари битирувчи курслар талабалари дарсдан бўш вақтида ишлаши учун кенг имконият яратиб берилгани кўпчиликка яхши маълум. Шундан келиб чиқиб, оммавий қабул жараёнида меҳнат ярмаркаси ташкил этилди.



## Эътибордан барча мамнун

МУРОЖААТЛАРНИНГ 157 ТАСИ ЖОЙИДА ҲАЛ ЭТИЛДИ, АЙРИМЛАРИГА ҲУҚУҚИЙ АХБОРОТ ВА МАСЛАҲАТ, ТУШУНТИРИШ БЕРИЛДИ, 116 ТА МУРОЖААТ ҚЎШИМЧА ВАҚТ ТАЛАБ ҚИЛГАНИ БОИС НАЗОРАТГА ОЛИНДИ

**Давлатимиз раҳбарининг топшириғига биноан, Халқ қабулхоналари пойтахтимизда соғлиқни сақлаш ва ижтимоий ҳимоя йўналишлари бўйича оммавий қабул ташкил этилди. Мутасадди вазирлик ва идоралар, йигирмага яқин тиббиёт, даволаш-реабилитация марказлари, тиббиёт бирлашмалари билан аҳолиси ўртасида кечган очик мулоқот натижасида фуқароларни ўйлантириб келаётган кўплаб масалаларга ечим топишга эришилди.**

Қибрайлик Раҳимберган Машарипов 2-гурӯҳ ногирони, боз устига, катаракта касаллиги билан хасталанган. Аммо жарроҳлик амалиёти учун қўли калталиқ қилаётган экан. Соғлиқни сақлаш вазирлиги мутасаддилари билан суҳбат асосида масала атрофлича кўриб чиқилиб, беморда бепул йўлланма асосида Республика кўз касалликлар микрохирургияси шифохонасида жарроҳлик амалиёти ўтказилган бўлди. Яшнободлик Дилбар Бегматова фарзандларини ёлғиз ўзи катта қилмоқда. Устига-устак 4 ёшли ўғлига туғма миопатия ташҳиси кўйилган, жарроҳлик амалиётини ўтказиш зарур. Мурожати синчиклаб ўрганилгач, ўғлининг жарроҳлик амалиёти ва дори-дармонлари учун ҳомийлар ҳисобидан қўшимча 8 миллион сўм ажратилиши белгилаб олинди.

48 йил ўқитувчилик қилган Шаҳрибону Ҳайитовага замонавий электр юритмали аравача топширилди. Оммавий қабул жараёнида Тиббий-ижтимоий хизматларни ривожлантириш агентлиги мутасаддилари 10 дан ортиқ эҳтиёжманд фуқарога ана шундай аравачаларни топширди.

Эътиборли жиҳати, оммавий қабул жараёнида аён бўлган

маълумотлар асосида Республика тиббиёт марказларининг юқори малакали мутахассислари бевосита хонадонларга бориб, беморларни чуқурлаштирилган текширувлардан ўтказди.

Юнусобод туманининг «Зарбулок» маҳалласида яшовчи Маҳсум ва Абдурахмон Тўлагановлар юртимизда инсон омилига берилган эътибордан мамнун. Онахон бундан аввал тўртинчи даражали бўкса артрози ташҳиси билан Республика ихтисослаштирилган травматология ва ортопедия илмий-амалий тиббиёт марказида жарроҳлик амалиёти ўтказиш орқали бепул даволанган бўлса, турмуш ўртоғи кўп йиллар қандли диабет билан оғрийди. Онахон шифокорлар эътибори, малакали тиббий муолажалар туфайли қисқа вақтда оёққа туриб, ўзи ҳаракатланаётганини айтади. Бу галги кўздан кечирув якунида шифокорлар отахонга ногиронлик белгиланиши ҳамда тез орада оёққа протез ўрнатилишини маълум қилишди.

Юнусобод туманидаги Халқ қабулхонасига мурожаатидан кейин Сирождин Мирзаева кўз касаллигини даволаш бўйича жарроҳлик амалиёти ўтказилди, қўшимча муолажалар олиб

борилмоқда. Бу гал шифокорлар тузалиш жараёни қандай кетаётганини текшириб, керакли маслаҳат ва йўл-йўриқларни берди.

Мирзо Улуғбек туманида яшовчи Умид Эшимов навқирон ёшида тақдирнинг оғир зарбасига учраган. Бахтсиз ҳодиса туфайли ногиронлик аравасига михланиб қолган. Мана шундан бери 30 йилдан ошиқ вақт ўтибдики, шифокорлар назоратида. Аслида, бир оғиз ширин сўз, озгина эътибор Умид ака сингари инсонлар ҳаёт сифатини яхшилашда дори-дармондан кам аҳамият касб этмаслигини шифокорлар яхши билади. Шу боис қабул доирасида унинг хонадонига борилди ва реабилитация марказида даволаниши учун йўлланма ҳамда замонавий аравача ажратилганидан бўлди.

Пойтахтимизнинг «Турон» маҳалласида яшовчи Олломурад Исақулов ва Насиба Исақуловлар қандли диабет билан оғир келади. Тиббиёт ходимлари уларнинг хонадонига бўлиб, кўриқдан ўтказишди. Эндокринология марказида даволанишлари белгиланди.

Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан тиббиёт олий ўқув юрталари битирувчи курслар талабалари дарсдан бўш

вақтида ишлаши учун кенг имконият яратиб берилгани кўпчиликка яхши маълум. Шундан келиб чиқиб, оммавий қабул жараёнида меҳнат ярмаркаси ташкил этилди. Тошкент шаҳридаги туман тиббиёт бирлашмалари 470 та бўш иш ўринларини таклиф этди. Ярмаркада 48 нафар фуқаро ишга қабул қилинди.

Тошкент педиатрия тиббиёт институти келгуси йилда тамолтайдиган 223 нафар бакалаврият, 29 нафар магистратура, 44 нафар ординатура талабалари билан тўрт тамонлама шартномалар расмийлаштирилди. Шунинг ҳисобидан Тошкент шаҳридаги муассасаларда мавжуд бўлган 344 та вакант ўринлар тўлдирилиши режа қилиб олинди.

Умуман олганда, оммавий қабулда 328 нафар фуқародан соғлиқни сақлаш, пенсия, бандлик каби масалалар бўйича 331 та мурожаат келиб тушди. Мурожаатларнинг 157 таси жойида ҳал этилган бўлса, 41 таси бўйича ҳуқуқий ахборот ва маслаҳат, 17 таси бўйича тушунтириш берилди, 116 та мурожаатни ўрганиш учун қўшимча вақт талаб этилгани сабабли назоратга олинди.

Мансур АБДУСАТТОВ.

МАҲАЛЛАДА НИМА ГАП?

## Аксарият мурожаатлар жойида ҳал этилди



**Навоий вилояти ҳокими вазифасини бажарувчи Нормат Турсунов Кармана туманида оммавий сайёр қабул ўтказди. Қабулда Навбахор ва Кармана туманлари ҳамда Навоий шаҳридан жами 150 нафарга яқин аҳоли вакиллари иштирок этди.**

Сайёр қабулда бандлик, йўл таъмири, соғлиқни сақлаш, моддий ёрдам ва имтиёзли кредит ажратилиши каби масалалар бўйича жами 120 тадан зиёд мурожаат тингланиб, уларнинг аксарияти жойида ечим топди.

— Утган сайёр қабулда ўзим ва турмуш ўртоғимнинг бандлигини таъминлашга кўмак сўраб мурожаат қилган эдим, — дейди Кармана туманидаги «Шибзон» маҳалласида истиқомат қилувчи Дилдора Норбўтаева. — Вилоят раҳбари масъулларга оилавий аҳволимизни ўрганиш ва иш

билан таъминлаш бўйича топшириқ берганди. Айтилган муддатда иккаламиз ҳам «Навоий иссиқлик электр станцияси» АЖга ишга қабул қилиндик. Очиғи, муаммомиз бунчалик тез ҳал бўлишини кутмагандим, ҳозир иккаламиз ҳам ишлаймиз, бунинг учун давлатимиз ва вилоятимиз раҳбариятидан миннатдоримиз.

Сайёр қабулда ечими муддат ва маблағ талаб қиладиган мурожаатлар бўйича зарур чоралар белгиланиб, шахсан вилоят раҳбарининг назоратига олинди.



## НИГОҲ

Географик объектларга ном бериш ва қайта номлашда маҳаллий аҳолининг фикрини инобатга олиш тўғрисида алоҳида модданинг пайдо бўлгани муҳим янгиликдир. Эндиликда қонун аҳоли фикрини ҳисобга олиш талабини назарда тутди.

# Маҳалла номини ўзгартиришда аҳоли фикри инобатга олинади



## МАҲАЛЛИЙ АҲОЛИ ЎЗ ФИКРИНИ ЯККА ТАРТИБДА ЁКИ БИРГАЛИКДА ОҒЗАКИ, ЁЗМА ЁКИ ЭЛЕКТРОН ШАКЛДА БИЛДИРИШИ МУМКИН

**Олий Мажлис Сенатининг 33-ялпи мажлисида «Географик объектларнинг номлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонун маъқулланди. Хужжат 4 та моддадан иборат бўлиб, аҳоли пунктларининг таркибий қисмларига жаҳон тарихида муҳим из қолдирган шахсларнинг номларини бериш имконияти яратилмоқда, жойларни номлаш ёки қайта номлашда аҳолининг фикри инобатга олиниши белгиланмоқда.**

### ҚАНДАЙ МУАММОЛАР БОР ЭДИ?

Амалдаги қонунда Ўзбекистон ёки жаҳон тарихида чуқур из қолдирган шахслар, шу жумладан, жамоат ва давлат арбобларининг хотирасини абадийлаштириш мақсадида уларнинг номини географик объектларга бериш тартиби аниқ тартибга солинмаган. Шу боис амалиётда географик объектларга (кўча, маҳалла, майдон, боғ ва аҳоли пунктларининг бошқа таркибий қисмлари) шахс номини беришда турли муаммолар юзага келмоқда.

Бундан ташқари, қонунчиликда географик объектларга ном беришда маҳаллий аҳолининг фикрини ҳисобга олиш белгиланган. Бироқ амалда бунинг тартиби очиб берилмаган, ташаббусларни илгари суриш тартибга солинмаган. Шунингдек, аҳоли пунктларининг таркибий қисмларига (маҳаллалар, шоҳқўчалар, кўчалар, майдонлар, боғлар, хиёбонларга) Ўзбекистон ва жаҳон тарихида чуқур из қолдирган шахсларнинг исми-шарифини бериш тартиби аниқ белгиланмаган.

Халқ депутатлари туман (шаҳар) Кенгашлари географик объектларга шахснинг исми-шарифини бериш ваколатига эгаллиги ушбу жараёнда зарур бўлган муҳим омиллар инобатга олинишини тўлақонли таъминлаш имконини бермаяпти. Бу борада ҳеч қандай чекловлар назарда тутилмагани эса амалиётда географик объектларнинг номларини қайта-қайта ўзгартирилишига сабаб бўлмоқда.

### ҚОНУН БИЛАН НИМА ЎЗГАРАДИ?

Аҳоли пунктларининг таркибий қисмларига нафақат Ўзбекистон, балки жаҳон тарихида чуқур из қолдирган шахсларнинг исми-шарифларини бериш имконияти қонундаги энг асосий ўзгартишлардан бири бўлади. Ушбу тартиб шу вақтга қадар қонунда назарда тутилмаган бўлса-да, мамлакатда жаҳон тарихи, маданияти, адабиёти, илм-фани ва жамият ҳаётига улкан ҳисса қўшган буюк шахслар номи билан аталган объектлар бор эди (Хусусан, Александр Пушкин, Лев Толстой, Шота Руставели, Жавоҳарлал Неру, Юрий Гагарин ва бошқалар).

Қонунда номлари бўлмаган аҳоли пунктларининг таркибий қисмларига машҳур шахсларнинг номларини бериш Вазирлар Маҳкамасининг тақдимномасига биноан Сенат ёки Президент қарорлари асосида вафотидан кейин амалга оширилиши белгилаб қўйилди. Хужжатда таниқли шахслар номини белгилаш, жумладан, экспертиза ўтказиш, мувофиқлаштириш, маҳаллий аҳолининг фикрларини ҳисобга олиш ва тасдиқлаш тартиби батафсил баён этилган.

Қонун, шунингдек, туманлари бўлган шаҳар ичидаги бир нечта бир хил географик объектларга бир хил ном беришни чеклайди. Бу битта шаҳарда бир хил номларнинг мавжудлигини истисно қилади.

Географик объектларга ном бериш ва қайта номлашда маҳаллий аҳолининг фикрини ино-

батга олиш тўғрисида алоҳида модданинг пайдо бўлгани муҳим янгиликдир. Эндиликда қонун аҳоли фикрини ҳисобга олиш талабини назарда тутди.

Маъқулланган таҳрирга кўра, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари географик объектларга ном бериш ва уларни қайта номлаш тўғрисидаги таклифларни улар келиб тушган кундан эътиборан 5 иш кунидан кечиктирмай, ўзларининг расмий нашрларида, веб-сайтларида ва оммавий ахборот воситаларида муҳокама қилиш учун эълон қилишлари шарт. Таклифларни муҳокама қилиш муддати эълон қилинган кундан бошлаб 15 кундан кам бўлмаслиги керак.

Маҳаллий аҳоли ўз фикрини якка тартибда ёки биргаликда оғзаки, ёзма ёки электрон шаклда билдириши мумкин. Бунда шахснинг фамилияси, исми ва отасининг исми, шунингдек, унинг яшаш жойи тўғрисидаги маълумотлар кўрсатилади. Ҳокимият органлари маҳаллий аҳолидан келиб тушган фикр-мулоҳазаларни умумлаштириб, географик объектларга ном бериш ва уларни қайта номлаш бўйича тегишли комиссияга тақдим этади, улар хулоса тайёрлашда ҳисобга олинади.

Қонун лойиҳасининг тахлилий эслатмасида қайд этилишича, янги модда «фуқароларнинг жамият ва давлат ишларини бошқаришда иштирок этиш имкониятини кенгайтиради, қабул қилинаётган

қарорларнинг ҳаётий ва самарали бўлишини таъминлайди». Муаллифлар географик объектларга ном бериш ва уларни қайта номлашда географик объект жойлашган ҳудудда яшовчи фуқароларнинг фикри мажбурий равишда ҳисобга олинандиган бошқа мамлакатлар, жумладан, Қозоғистон таърибасига мурожаат қилган.


Аҳоли пунктларининг таркибий қисмларига ном бериш ва уларни қайта номлаш ваколатлари халқ депутатлари туманлар ва шаҳарлар Кенгашларига берилади, тегишли ҳокимлар томонидан таклифлар киритилади. Туманлари бор шаҳарларда халқ депутатлари шаҳар Кенгаши шундай ваколатларга эга (таклифлар шаҳар туманлари ҳокимлари томонидан берилади).

**Қонуннинг қабул қилиниши натижасида тарихда чуқур из қолдирган шахсларнинг хотирасини абадийлаштириш мақсадида уларнинг номини географик объектларга беришда келиб чиқаётган турли муаммолар бартараф этилади. Географик объектларга ном бериш ва қайта номлашда аҳоли ташаббусларига кўпроқ йўл очилади. Энг муҳими, бир ҳудудда бир нечта номларнинг қайта-қайта учрашига барҳам берилади.**

Санжар ИБРОҲИМОВ.

МАҲАЛЛАДА НИМА ГАП?

## Ҳоким ёрдамчиси халқ орасида



**Ҳоким ёрдамчиларининг фаолияти натижасида маҳаллаларда ишсизлик сезиларли даражада камайиб, камбағаллик ҳолати қисқармоқда. Бунга мисол тариқасида Термиз шаҳридаги «Жўйжангал» маҳаллалари ҳоким ёрдамчиларининг эришган натижаларини келтириш мумкин.**

— «Аёллар дафтари» ва «Ёшлар дафтари»да рўйхатда турадиган, қолаверса, ўзининг тадбиркорлик режасига эга бўлган шахслар билан суҳбатлашиб, уларга кредит олишда ёрдам берамиз, — дейди «Жўйжангал» маҳалласи ҳоким ёрдамчиси Шокир Сафарбуваев. — Хунари ўрганиш мақсадида бўлган бир неча хотин-қизларга ўзлари қизиққан соҳаларда ўқиш, изланиш шароитини яратиб бердик. Шокир Сафарбуваев ўзи масъул бўлган ҳудудда қўлида хунари бор хотин-қизларга шахсий тикув цехлари очишда яқиндан ёрдам берди.

— Ҳоким ёрдамчиси кўмаги билан

тикув цехи очдик, — дейди шу ерда яшовчи Умида Алимова. — 3 нафар шогирдим билан болалар боғчаси учун чойшаблар тикилди. Келгусида фаолиятимизни кенгайтириш ниятидамиз.

Ҳоким ёрдамчиси фуқароларнинг кундалик ҳаётини яхшилаш мақсадида ҳудудда зарур барча хизмат турларини яратиш учун туну кун хизматда. Маҳалланинг ҳар бир аъзоси билан яқиндан муносабат ўрнатиб, ҳар бирининг яшаш ва меҳнат шароитини яхшилашга ҳаракат қилмоқда.

Ч.АРОМОВА.



ҲОЛАТ

Қурилиш сифати ва иш ҳажмларини тўлиқ бажарилиши ўрганилиб, 1 553 та ҳолатда сифатсиз бажарилган 32,3 млрд. сўмлик ҳамда 793 та ҳолатда ҳисоботларга қўшиб ёзилган 37,9 млрд. сўмлик ишлар бартараф эттирилиши орқали келиб чиқиши мумкин бўлган ҳуқуқбузарликларнинг олди олинган.

# Дастурлар «пул ундириш» воситасига айланиб қолди...(ми?)



## ЁХУД «ОБОД ҚИШЛОҚ» ВА «ОБОД МАҲАЛЛА» ДАСТУРЛАРИГА АЖРАТИЛГАН ПУЛЛАР ЎЗЛАШТИРИБ ЮБОРИЛГАНМИ?

**Куни кеча Бош прокуратура томонидан тақдим этилган маълумотлар одамни қувонтирадиган даражада эмас. Маълум бўлишича, ўтган давр мобайнида «Обод қишлоқ» ва «Обод маҳалла» дастурлари доирасида амалга оширилган ишларда ноқонуний хатти-ҳаракатлари учун 4 минг нафардан ортиқ мансabdор шахс жазога тортилган.**

Қайд этилишича, Республика штаби ҳамда вилоят ва туман-шаҳар прокурорлари раҳбарлигидаги ҳудудий штаблар томонидан ўтган 9 ой давомида Инвестиция дастуридаги 2 762 та, «Янги Ўзбекистон» массивларидаги 827 та ва «Обод қишлоқ» ҳамда «Обод маҳалла» дастурларидаги 10 915 та лойиҳанинг ҳар бири мониторингга олинган. Мониторинг натижаларига қўра, ҳозирга қадар Инвестиция дастуридаги 1 112 та объектда белгиланган ишлар якунланиб, фойдаланишга топширилган.

**ҚАНЧА МАБЛАҒ САРФЛАНГАН?**

Бош прокуратура бўлим бошлиғи Абдурахим Муҳидиновнинг ҳисобот беришича, 320 та (59 фоиз) ижтимоий соҳа объектлари, хусусан, 178 та (67 фоиз) мактаб, 58 та (41 фоиз) мактабгача таълим ташкилоти, 84 та (62 фоиз) тиббиёт муассасаси фойдаланишга топширилди. 2 922 км. узунликдаги ичимлик сув тармоқлари янгидан тортилиб, 256 та сув иншооти ўрнатилиб, 755 млрд. сўмлик (76,5 фоиз) ишлар бажарилди. 1,4 трлн. сўмлик (91 фоиз) ички йўллар таъмирланди, шундан 1 127 км. (87,5 фоиз) ички йўллар асфальтланди, 653 км. (84 фоиз) асфальт-бетон ва 2 099 км. (95,1 фоиз) шағал ётқизилди.

Электр таъминоти объектлари бўйича бугунги кунга қадар 236 млрд. сўмлик ёки 84 фоиз,

газ таъминоти узлуксизлигини таъминлаш бўйича жами 5,1 млрд. сўмлик (100 фоиз) ишлар бажарилди. Қишлоқ ва маҳалла кўчаларини ободонлаштириш бўйича маҳаллаларда ички ирригация тармоқлари, суғориш қудуқлари, пиёдалар йўлаклари, тунги ёритиш тизими, гулзорлар ташкил этилди, 235 минг тупдан ортиқ дарахтлар экилди.

Хуллас, амалга оширилган ишлар юзасидан ҳисоботларни яна кўплаб санаш мумкин. Булар — аҳолига транспорт хизмати кўрсатиш, маҳалла комплекслари ва уй-жой фондиди яхшилаш доирасида 100 та (53 фоиз) маҳалла биноларининг қурилгани, гузарлар, болалар майдончалари ва ҳоказоларни ўз ичига олади.

**ҚАНЧАСИ СИФАТСИЗ БАЖАРИЛГАН, ҚАНЧАСИ ТАЛОН-ТОРОЖ ҚИЛИНГАН?**

Бу жараёнда ҳар доимгидек давлат пулларида «унумли» фойдаланиб қолганлар ҳам бўлган. Масъулнинг қайд этишича, юклатилган вазифа ва топшириқлар ижросида камчиликка йўл қўйган ва ўз вазифасини лозим даражада бажармаган 427 нафар масъул интизомий ва 724 нафари маъмурий жавобгарликка тортилган, 3 040 нафар шахс расман огоҳлантирилган.

Жумладан, йўл қўйган камчиликлари учун Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши

раиси, Қашқадарё, Наманган, Сурхондарё ва Тошкент вилояти ҳокимларининг ҳамда 107 нафар туман (шаҳар) ҳокимларининг ўринбосарлари, шунингдек, Маданий мерос агентлиги директори, Маданият, Фавқулудда вазиятлар вазирлиги, Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси, Гидрометеорология хизмат маркази ҳамда «Ўзсувтаъминот» АЖ раҳбарларининг соҳага масъул ўринбосарларига жазо чоралари қўлланилди.

Кўпол қонун бузилиши ҳолатлари юзасидан 185 та жиноят иши кўзгатилиб, 880 нафар фуқаро ва тадбиркорларнинг бузилган ҳуқуқлари тикланди.

Қурилиш сифати ва иш ҳажмларини тўлиқ бажарилиши ўрганилиб, 1 553 та ҳолатда сифатсиз бажарилган 32,3 млрд. сўмлик ҳамда 793 та ҳолатда ҳисоботларга қўшиб ёзилган 37,9 млрд. сўмлик ишлар бартараф эттирилиши орқали келиб чиқиши мумкин бўлган ҳуқуқбузарликларнинг олди олинган.

Албатта, ҳуқуқ идоралари айтган юқоридаги каби ҳисоботлар жамoатчилик, маҳалла фаолларини янада ҳушёр бўлишга ундайди. Ўз ҳудудимизнинг ободлигига барчамиз масъулмиз. Давлат ажратган маблағларнинг тўғри сарфланиши устидан назорат ҳар биримизнинг масъулиятимиздир.

У.ИБОДИНОВ.

**МАҲАЛЛАДА НИМА ГАП?**

## Қишлоқ кўчаларига асфальт ётқизилди



**Учкўприк туманидаги «Кичик кенагас» маҳалла фуқаролар йиғини «Обод қишлоқ» дастури асосида кўркам қиёфа касб этмоқда.**

Дастур ижроси доирасида «Кичик кенагас» маҳалласи ҳудудидаги Тадбиркорлар кўчасининг 650 метр, Юқори кўчасининг 350 метр қисми асфальтланди. Қайд этилишича, шу кунга қадар «Кичик кенагас» маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудидаги қарийб 3 минг метр ички йўллар асфальтланди. Шунингдек, 1 минг 100 метрдан ортиқ кўчаларга бетон қоплама ётқизилди.

Мухбиримиз.

**БИЛАСИЗМИ?**

## ШАҲАРСОЗЛИК НОРМАЛАРИ ҚАЙТА КЎРИБ ЧИҚИЛАДИ

«Қурилиш соҳасига оид талабларни соддалаштириш ҳамда техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларни тизимлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Ҳукумат қарори қабул қилинди.

Қарорга қўра, қурилиш соҳасига оид талабларни соддалаштиришнинг асосий мақсадларидан бири этиб эскирган ва ўз аҳамиятини йўқотган шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларини қайта кўриб чиқиш белгиланди.

2023 йил 1 январдан бошлаб қуйидагилар белгилаб қўйилди:

- ☑ «Давлат харидлари тўғрисида»ги қонун доирасида амалга ошириладиган қурилиш-монтаж, реконструкция ва мукамал таъмирлаш ишларининг лойиҳа-смета ҳужжатларидаги қиймати смета-ресурс нормалари асосида шакллантирилади;
- ☑ қурилиш-монтаж, реконструкция ва мукамал таъмирлаш ишларини ўз маблағлари ҳисобидан молиялаштираётган тадбиркорлик субъектлари учун смета-ресурс нормалари тавсиявий хусусиятга эга бўлади;
- ☑ қурилиш регламентлари ҳамда смета-ресурс нормалари техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар жумласига кирмайди ҳамда уларни ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш талаб этилмайди;
- ☑ шаҳарсозлик нормалари ва қоидалари камида ҳар 3-4 йилда қайта кўриб чиқилади ва заруратга қўра янгилаб борилади;
- ☑ қурилиш материаллари ва жиҳозларига оид стандартлар фақат Қурилиш вазирлиги томонидан қабул қилинади;
- ☑ шаҳарсозлик фаолияти соҳасига доир миллий норматив ҳужжатлар билан бир вақтда рухсат этиладиган хорижий норматив ҳужжатлар асосида ишлаб чиқилган ҳамда хорижий давлатларда экспертизадан ўтказилган лойиҳаларнинг тегишли қисмлари тўғридан-тўғри тан олинади.



## МУНОСАБАТ

Сентябрь ойида бюджет маблағларини мақсадли ишлатилишини таъминлаш, ҳисобот даврида ҳоким ёрдамчилари киритган KPI кўрсаткичларининг ҳаққонийлиги, шунингдек, ушбу вазифада камида икки ой давомида мунтазам фаолият юритганлиги ва бошқа масалалар юзасидан ўрганишлар олиб борилди.

Ҳозирги кунга келиб қўллаб-қувватлаш ҳоким ёрдамчиларида методик кўрсаткичларининг ҳаққонийлиги борасида савол ва тушунмовчиликлар юзага келмоқда. Жумладан, кейинги кунларда шу тизим бўйича берилиши керак бўлган мукофот пуллари берилмаётгани ҳақида хабарлар тарқалди.

## Ҳоким ёрдамчиларига мукофот пуллари нега берилмаяпти?

**МУКОФОТ ПУЛЛАРИ ҲИСОБОТ ОЙИДАН КЕЙИНГИ ОЙНИНГ 23-САНАСИГА ҚАДАР ТЎЛАНИШИ БЕЛГИЛАНГАН. УСТАМАЛАР ҲОКИМ ЁРДАМЧИЛАРИГА КАМИДА ИККИ ОЙ ДАВОМИДА МУНТАЗАМ ФАОЛИЯТ ЮРИТГАН ТАҚДИРДА БЕРИЛАДИ, ИШДАН БУШАГАНДА МУКОФОТ ПУЛЛАРИНИ ТЎЛАШ ТЎХТАТИЛАДИ**

**Президент ташаббуси билан ташкил этилган ҳоким ёрдамчилари фаолиятини янада такомиллаштириш ва уларни қўллаб-қувватлаш мақсадида махсус тизим яратилган. Унга кўра, жойлардаги мутахассислар фаолияти баҳолаб борилади ва шунга асосан рағбатлантирилади.**

Ҳоким ёрдамчилари ўз маҳалласида фуқаролар орасида ўтказган хатловнинг натижалари тўғрисида, улар киритган маълумотларнинг аниқ ва объективлиги учун 15 балл, маҳалласидаги ишсиз фуқароларнинг бандлигини доимий, мавсумий ёки жамоат ишларига жойлаштириш орқали таъминлашидаги саъй-ҳаракатлари учун 15 балл, норасмий тадбиркорлик фаолиятини олиб борувчи фуқароларни тегишли масъул давлат органларидан ўзини ўзи банд қилган шахслар сифатида ўтказишдаги амалий ёрдами учун 12 балл билан баҳоланади.

Шунингдек, ҳоким ёрдамчилари маҳалласида ишсиз фуқароларнинг бандлигини таъминлаш мақсадида касб-ҳунар ва тадбиркорлик ўқув курсларига йўналтиришдаги ишлари учун 15 балл, ўзига юклатилган молиявий инструментлар (кредит, субсидия) дан оқилона фойдаланган ҳолда янги тадбиркорлик субъектларининг очилишидаги амалий фаолияти учун 15/12 балл, фуқаролардан «Ҳар бир оила – тадбиркор» давлат дастури доирасида имтиёзли кредитлар олиш бўйича аризаларни ўз вақтида ва сифатли қўриб чиқиш учун 15 балл ҳамда фуқароларнинг тадбиркорлик

кооперативларини тузишдаги ташаббусини қўллаб-қувватлаш ва тегишли молиявий инструментлар (кредит, субсидия) орқали ёрдам кўрсатиши учун 6/3 баллни қўлга киритишлари мумкин.

Шу билан бирга, ҳоким ёрдамчиларининг муомала маданияти, шижоати ва ташаббускорлиги, ташкилотчилик қобилияти, фаолиятдан қаноатланишини туман (шаҳар) ҳокимининг молия ва иқтисод масалалари бўйича биринчи ўринбосари ва туман (шаҳар)га бириктирилган республика вакиллари ҳамда туман (шаҳар) маҳаллабай ишлаш ва тадбиркорликни ривожлантириш маркази раҳбарлари умумий 10 балл билан баҳолайди. Жами ҳисобда ҳоким ёрдамчиларининг самарадорлик кўрсаткичларига 100 балл қўйилади.

Ҳозирги кунга келиб қўллаб-қувватлаш ҳоким ёрдамчиларида мазкур методика кўрсаткичларининг ҳаққонийлиги борасида савол ва тушунмовчиликлар юзага келмоқда. Жумладан, кейинги кунларда шу тизим бўйича берилиши керак бўлган мукофот пуллари берилмаётгани ҳақида хабарлар тарқалди.

Хўш, бу хабарлар қанчалик тўғри? Саволимизга жавоб олиш мақсадида **Маҳаллабай ишлаш ва тадбиркорликни ривожлантириш агентлиги директори Мирзоҳид Убайдуллаевга** мурожаат қилдик.

— Ҳоким ёрдамчилари фаоли-

ятини қўллаб-қувватлаш жамғармаси Кузатов кенгашининг қарори билан тасдиқланган тартибга мувофиқ, иш фаолиятида яхши натижаларга эришган ҳоким ёрдамчиларига ойлик иш ҳақининг 50 фоизигача миқдорда мукофот пуллари тўлаб келинмоқда, — дейди **М.Убайдуллаев**. — Мазкур тартиб бўйича мукофот пуллари ҳисобот ойидан кейинги ойнинг 23-санасига қадар тўланиши белгиланган. Шу билан биргаликда, мукофот пуллари ҳоким ёрдамчилари ўзларига бириктирилган ҳудудда ҳисобот даврида камида икки ой давомида мунтазам фаолият юритган тақдирда берилиши, шунингдек, ишдан бўшаганда тўлаш тўхтатилиши кўрсатиб ўтилган.

Шунга кўра, сентябрь ойида барча ҳудудларда бюджет маблағларини мақсадли ишлатилишини таъминлаш, ҳисобот даврида ҳоким ёрдамчилари киритган KPI кўрсаткичларининг ҳаққонийлиги, шунингдек, ушбу вазифада камида икки ой давомида мунтазам фаолият юритганлиги ва бошқа масалалар юзасидан ўрганишлар олиб борилди. Шу муносабат билан август ойи учун мукофот пуллари белгиланган муддатдан биров кечиктириб тўланди.

Шу ўринда яхши натижаларга эришган ҳоким ёрдамчиларига сентябрь ойи учун энг муҳим самарадорлик кўрсаткичлари бўйича мукофот пуллари ўз муддатида тўлаб бериш бўйича барча ташкилий чора-тадбирлар белгилаб олинди.

Хайрулло АБДУРАҲМОНОВ.

МАҲАЛЛАДА НИМА ГАП?

## Иккита маҳаллага 4 миллиард сўм ажратилди



**Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарорига мувофиқ, Янгиобод туманидаги «Баландчақир» ҳамда «Ҳавотоғ» маҳаллалари учун икки миллиард сўмдан маблағ ажратилди.**

Йўл-транспорт инфратузилмаси тизимини яхшилаш бўйича «Баландчақир» маҳалласининг Ободлик, Баландчақир, Қурғонча, Саховат кўчаларининг 1 450 метр ҳамда «Ҳавотоғ» маҳалласининг Яккатут, Нуробод, Учтурғон, Қўриқ кўчаларининг 1 470 метр ҳамда мактаб олдидаги автотураргоҳнинг 15x5 метр қисмини асфальтлаштириш кўзда тутилган.

Шу билан бирга, ичимлик сув ва оқава сув тармоқларини қуриш, қайта қуриш ва модернизация қилиш ҳамда аҳолини узлуксиз сифатли ичимлик сув билан таъминлаш бўйича «Баландчақир» маҳалласига 1 та сув иншооти Саховат ва Боғишамол кўчасига 4,5 км. сув тармоғи тортиш ҳамда «Ҳавотоғ» маҳалласининг Чанговул кўчасига 1 та сув иншооти билан 4 км. сув тармоғи тортиш режалаштирилган.

## «Пандигон»га бино қуриб берилди

**Риштон туманидаги «Пандигон» маҳалла фуқаролар йиғинининг янги биноси фойдаланишга топширилди.**

Маросимда Маҳалла ва нурунийларни қўллаб-қувватлаш бўлими бошлиғи Х.Ҳожи-хонов, ИИБ бошлиғи Х.Тошпўлатов, Нурунийлар кенгаши раиси Т.Абдурахмонов, маҳалла фаоллари, меҳнат фахрийлари ва кенг жамоатчилик вакиллари иштирок этди.

— Ҳозирда 4 112 нафар аҳоли яшайдиган маҳалламизнинг идораси кўримсиз эди, — дейди **маҳалла раиси М. Маҳкамов**. — Очиғи, маҳалламизнинг алоҳида биноси бўлмаган. Ҳукуматимизнинг эътибори, туман ҳокими ва маҳалламиз фаолларнинг ташаббуслари билан маҳалла идораси учун замонавий ва кўркем янги бино қуриб берилганидан жуда хурсандмиз. Маҳалла раиси, ҳоким ёрдамчиси, ёшлар етакчиси, хотин-қизлар фаоли, профилактика инспектори учун алоҳида-алоҳида хоналар мавжуд бўлган бинода самарали фаолият юритиш учун зарур барча шароитлар яратилган.

Мазкур объект қурилишига маҳалла фуқаролари ташаббуси билан жамғарилган маблағлар (ҳашар йўли билан) ҳисобидан 350 миллион сўмдан ортиқроғи сарф қилинди.

Мухбиримиз.



МОҲИЯТ

Мобиль илова орқали тақдим этиладиган маълумот ва ҳужжатлар ушбу мобиль иловада шакллантириладиган ва текшириш имконини берадиган идентификатор (QR-код штрихли код ёки рақамли код) билан ҳимояланади. Мобиль иловани юклаб олиш ва ундан фойдаланишда тўлов ундирилмайди.

# Рақамли паспорт синов тариқасида жорий этилади



**БУНДА ШАХСЛАР МОБИЛЬ ИЛОВА ОРҚАЛИ ЭЛЕКТРОН ҲУЖЖАТЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ ҲУҚУҚИГА ЭГА БЎЛАДИ. БУНДА УЛАР ҚОҒОЗ КЎРИНИШИДАГИ ҲУЖЖАТГА ТЕНГЛАШТИРИЛАДИ**

Рақамлаштириш, электрон ҳукумат, электрон ҳужжатлар ривожланган ҳозирги кунда яна бир соҳада аҳолига қулайлик яратилмоқда. Гап шундаки, Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 5 октябрдаги «Фуқароларнинг рақамли паспорт» лойиҳасини жорий қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори билан 2023 йил 1 январдан 2023 йил 31 декабрга қадар Тошкент шаҳрида лойиҳа синов тариқасида амалга оширилади ҳамда унинг якунларига кўра, лойиҳани барча ҳудудларда амалга ошириш чоралари кўрилади.

**ҚОҒОЗ КЎРИНИШИДАГИ ҲУЖЖАТГА ТЕНГЛАШТИРИЛАДИ**

Қарорга кўра, АКТ вазирлиги ва Адлия вазирлиги «Фуқаронинг рақамли паспорти» синов лойиҳасини амалга оширади. Лойиҳа доирасида айрим турдаги маълумот ва ҳужжатларни электрон кўринишда тақдим этиш имкониятини яратиб берувчи «One ID mobile» дастурий таъминоти ишлаб чиқилади. Ўзбекистон Республикаси фуқаролигини тасдиқловчи ҳужжати (паспорт ва ID-карта) бўлган муомалага лаёқатли шахслар мобиль илова орқали электрон ҳужжатлардан фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлади.

Мобиль илова орқали тақдим этиладиган маълумот ва ҳужжатлар ушбу мобиль иловада шакллантириладиган ва текшириш имконини берадиган идентификатор (QR-код штрихли код ёки рақамли код) билан ҳимояланади. Мобиль иловани юклаб олиш ва ундан фойдаланишда тўлов ундирилмайди.

Лойиҳани Тошкент шаҳрида амалга ошириш даврида давлат органлари ва ташкилотлари, хўжалик бирлашмалари томонидан айрим соҳалар ва йўналишларда давлат хизматларини кўрсатиш ҳамда бошқа тартиб-тамоийларни амалга оширишда фуқаролардан талаб этиладиган ҳужжатлар уларнинг хоҳишига кўра, мобиль илова орқали электрон кўринишда тақдим этилиши мумкин, бунда улар қоғоз кўринишидаги

ҳужжатга тенглаштирилади. Тақдим этилган маълумот ва ҳужжатларнинг ҳақиқийлиги ташкилот ходими томонидан ахборот тизимлари орқали мустақил текширилади.

**РАҚАМЛИ ПАСПОРТДА НИМАЛАР АКС ЭТАДИ?**

Тажриба даври мобайнида давлат ва тижорат хизматлари, шу жумладан, туристик, мобиль алоқа, меҳмонхона, авиа ва темирйўл транспорти, транспорт ҳужжатларини текшириш хизматлари кўрсатиш, давлат ОТМлари биноларига кириш жараёнида қуйидаги маълумот ва ҳужжатларни мобиль илова орқали тақдим этишга рухсат этилади:

- Ўзбекистон фуқароси паспорти ёки ID-карта;
- Хайдовчилик гувоҳномаси;
- Автотранспорт воситасини рўйхатдан ўтказганлик тўғрисида гувоҳнома;
- Никоҳ қайд этилганлиги тўғрисида гувоҳнома;
- Туғилганлик ҳақида гувоҳнома;
- Умумий ўрта таълим тўғрисидаги шаҳодатнома;
- Олий маълумот тўғрисидаги бакалавр ва магистр дипломи;
- Коронавирусга қарши эмланганлик тўғрисидаги сертификат;
- Кўчмас мулк объектнинг кадастр паспорти;
- Пенсия ва нафақа гувоҳномаси;
- Талабалик гувоҳномаси.

**ЭСЛАТИШ КЕРАК:**

Ўзбекистонликларга 2011 йилдан бошлаб, амалдаги биометрик паспорт берилган бўлса, 2021 йил 1 январдан бошлаб, Ўзбекистон фуқароларига, фуқаролиги бўлмаган шахсларга ва Ўзбекистон ҳудудида доимий яшайдиган чет эл фуқароларига биометрик паспорт ўрнига 10 йил муддатга ID-карта бериладиган бўлди.

**«ТАСДИҚЛАНГАН ФОЙДАЛАНУВЧИ» МАҚОМИ БЕРИЛАДИ**

Ҳукумат қарори билан «Фуқаронинг рақамли паспорти» синов лойиҳаси доирасида электрон ҳужжатларни шакллантириш ва улардан фойдаланиш тартиби тўғрисида»ги Вақтинчалик Низом тасдиқланди. Низомда қайд этилишича, фуқаролар мобиль иловадан

**МУҲИМ:**

электрон кўринишда тақдим этилган маълумот ва ҳужжатлар қоғоз ҳужжатга тенглаштирилади ва у билан бир хил юридик кучга эга бўлади. Уларнинг асл нусхаларига тенглигини исботлашни талаб қилиш тақиқланади.

Қарор билан «Электрон ҳукумат» тизими фойдаланувчиларини идентификациялаш ягона ахборот тизимида «Тасдиқланган фойдаланувчи» мақомини олиш тартиби ва унинг амал қилиш муддати белгиланди. Бунда фойдаланувчи мазкур тизимда идентификациядан ўтгач, «Тасдиқланган фойдаланувчи» мақомини олади.

Мазкур мақомнинг амал

қилиш муддати уни олиш усулига боғлиқ бўлиб, агар биометрик маълумотлар ёки мобиль телефон рақамидан фойдаланилган ҳолда мақом олинган бўлса — 12 ой, агар ЭРИдан фойдаланган ҳолда мақом олинган бўлса — ЭРИ амал қилш муддати тугагунга қадар (24 ойдан ошмаган ҳолда) амал қилади.

Санжар ИСМАТОВ.

МАҲАЛЛАДА НИМА ГАП?

## Ботир Зарипов Шофирконда қабул ўтказди

Бухоро вилояти ҳокими Ботир Зарипов ва вилоят секторлари раҳбарлари Шофиркон туманидаги Ш.Рашидов маҳалла фуқаролар йиғинида жисмоний ва юридик шахслар учун навбатдаги оммавий сайёр қабулини ўтказишди.

Қабулда Шофиркон туманидан ташқари Бухоро шаҳри, Бухоро, Гиждувон, Ромитан, Вобкент туманлари фуқаролари ҳам иштирок этди. Мурожаатларнинг аксарияти жойида ҳал этилди. Хусусан, Ромитан туманидаги «Қахрамон» маҳалласида яшовчи Комил

Жўраев «Карим Султон агро» МЧЖга тегишли иссиқхонасини табиий газ тармоғига улаш, Бухоро шаҳридаги М.Улуғбек номли маҳаллада яшовчи Зулейха Боқиева уй-жойини ўз номига расмийлаштириб бериш, Бухоро туманидаги Ўба қишлоғида яшовчи Мамлакат Робиева уй-

жой билан таъминлаш масаласида вилоят раҳбарига мурожаат қилишди. Мурожаатлар тегишли бошқарма ва ташкилотлар раҳбарлари иштирокида муҳокама қилиниб, зарур чора-тадбирлар белгиланди. Шунингдек, вилоят раҳбари томонидан сайёр

қабулдаги мурожаатларни ўз муддатида кўриб чиқиш ва ўрнатилган тартибда ҳал этиш чора-тадбирлари белгиланди. Қабул якуни бўйича ташкилот ва корхоналарнинг мутасадди раҳбарларига топшириқ ва кўрсатмалар берилди.

Мафтуна ШУКУРОВА.



## ЖАРАЁН

Жорий йилда қўшимча ажратилаётган 20 минг гектар ва 2023 йилда бериладиган 95 169 гектар экин майдонларида етиштирилган маҳсулотлар ҳисобидан импортни қисқартириш кўзланган. Энг муҳими, қарор натижасида ички бозоримиз мустақамланиб, озиқ-овқат хавфсизлиги таъминланади.

Кредит маблағларининг қайтмаслик хатарини суғурта ёки ҳосилни хавф-хатардан суғурта қилиш бўйича суғурта полиси гаров таъминоти сифатида қабул қилиниб, кредитларни сўндиришга йўналтирилиши мумкин.



## 150 миллион сўмгача гаровсиз кредит берилади

КРЕДИТЛАР БЎЙИЧА ФОИЗ ТЎЛОВЛАРИ ЙИЛЛИК 14 ФОИЗ МИҚДОРИДА БЕЛГИЛАНИБ, КРЕДИТЛАР 6 ОЙГАЧА ИМТИЁЗЛИ ДАВР БИЛАН 12 ОЙ МУДДАТГАЧА, 50 ФОИЗИГАЧА БЎЛГАН ҚИСМИ НАҚД ПУЛДА ТАҚДИМ ЭТИЛАДИ

**Аҳолини озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган талабини тўла қондириш, бозорларда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари нархларининг барқарорлигини таъминлаш — бугунги куннинг энг муҳим талаби. Шу боис давлатимиз раҳбари томонидан озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш ва ички бозорда нарх-наво барқарорлигини сақлаш борасида аниқ чора-тадбирлар белгиб келинмоқда.**

Куни кеча қабул қилинган «Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришни молиявий қўллаб-қувватлашнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»ги Президент қарорини аниқ ҳаракатларнинг давоми, дейиш мумкин. Қарор билан **Боғдорчилик ва иссиқхона хўжалигини ривожлантириш жамғармасига** 12 ой муддатга, шу жумладан, 11 ойлик имтиёзли давр билан қўшимча **300 миллион сўм бюджет ссудасини йиллик 10 фоиз ставкада** ажратиш тўғрисидаги таклиф маъқулланди.

Белгиланган маблағлар Боғдорчилик агентлиги томонидан тижорат банкларига ресурс сифатида йўналтирилган ҳолда, Боғдорчилик агентлигининг лойиҳа офислари раҳбарларининг ҳамда маҳаллада тадбиркорликни ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича туман (шаҳар) **ҳокимлари ёрдамчиларининг** тавсиясига кўра ажратилади.

Яъни **қишлоқ хўжалиги корхоналарига** — мева, узум, картошка, сабзавот, полиз экинлари, кўкатлар ва доривор ўсимликлар, дуккакли ва мойли экинлар етишти-

ришга уруғлик, ўғит, ёқилғи, ўсимликларни химоя қилиш воситалари етказиб бериш учун, **маҳсулотларни қайта ишловчи, сақловчи ва экспорт қилувчи корхоналарга** — етиштирилган қишлоқ хўжалиги экинларини харид қилишда талаб этиладиган айланма маблағларини тўлдириш учун йўналтирилади.

Бунда қишлоқ хўжалиги экинларини етиштириш учун кредитлар **150 миллион сўмгача гаровсиз** берилади. Кредитлар бўйича **фоиз тўловлари йиллик 14 фоиз (шундан 3 фоизи банк маржаси)** миқдоридан белгиланиб, **6 ойгача имтиёзли давр билан 12 ой муддатгача** ажратилади. Ажратиладиган кредит маблағларининг **50 фоизигача** бўлган қисми қарз олувчи талабига асосан, **нақд пулда** тақдим этилади. Боғдорчилик ва иссиқхона хўжалигини ривожлантириш жамғармаси маблағлари гаров таъминоти сифатида қабул қилинади.

Зарур маблағларни Молия вазирлиги ва Қишлоқ хўжалиги вазирлиги Боғдорчилик агентлигига олти ой олдин ажратиш борилишини таъминлайди. Бу эса кечикиш ва турли салбий сабаблар олдини олади.

Кредит маблағларининг қайтмаслик хатарини суғурта ёки ҳосилни хавф-хатардан суғурта қилиш бўйича суғурта полиси гаров таъминоти сифатида қабул қилиниб, кредитларни сўндиришга йўналтирилиши мумкин. Бунда ҳосилни хавф-хатардан суғурта қилиш харажатларининг 50 фоизи Қишлоқ хўжалигини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш жамғармаси ҳисобидан қоплаб берилади. Бу маблағни эса Молия вазирлиги 2023 йил ва келгуси йиллар учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджетидан ажратишини таъминлайди.

Эътиборлиси, жорий йилда қўшимча ажратилаётган 20 минг гектар ва 2023 йилда бериладиган 95 169 гектар экин майдонларида етиштирилган маҳсулотлар ҳисобидан импортни қисқартириш кўзланган. Энг муҳими, қарор натижасида ички бозоримиз мустақамланиб, озиқ-овқат хавфсизлиги таъминланади.

**Элмурод МАМАРАҲИМОВ,**  
Ўзбекистон фермер,  
деҳқон хўжаликлари  
ва томорқа ер эгалари  
кенгаши бўлим бошлиғи.

МАВЗУГА ОИД МАЪЛУМОТ

Ҳукумат қарорига асосан, оилавий тадбиркорликни ривожлантириш дастурлари доирасида кредитлар қарз олувчиларга қуйидаги мақсадлар учун ягона электрон платформа (oilakredit.uz) орқали ажратилади.

Бунда кредитлар тадбиркорликни йўлга қўйиш ёки ривожлантириш, хунармандчиликни молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, аҳолига қўшимча даромад манбаи яратиш ва уларнинг бандлигини таъминлаш йўналишларида берилади.

Кичик тадбиркорлик субъектлари ҳисобланган яққа тартибдаги тадбиркорлар, микрофирмалар, кичик корхоналар, деҳқон ва фермер хўжаликлари, оилавий тадбиркорлик субъектлари ҳамда хунармандлар кредит олиш учун Ягона электрон платформа орқали бизнес-режа ва қонунчиликда белгиланган тартибда гаров таъминоти тўғрисидаги маълумотларни электрон кўринишда тақдим этади.

«Томорқа хизмати» МЧЖларга уруғлик ва кўчат, мотокультиватор ва минитрактор, инкубатор харид қилиш ҳамда айланма маблағ учун ажратиладиган гаровсиз кредитлар 3 йилгача муддатга паррандачилик (тухум йўналиши) ва бир ойлик озиқа учун йўналтирилиши мумкин. Бунда Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларини қўллаб-қувватлаш жамғармаси маблағлари «Томорқа хизмати» МЧЖларга бериладиган кредитлар бўйича гаров таъминоти сифатида қабул қилинади.

МАҲАЛЛАДА НИМА ГАП?

## Ҳоким ёрдамчиси — аҳоли кўмакчиси



**Чортоқ туманидаги «Тўпқайрағоч» маҳалласи аҳолиси асосан боғдорчилик, деҳқончилик, чорвачилик билан шуғулланади. Бу ерда фаолият бошлаган хотин-қизларни касбга ўқитиш маскани маҳалла аёлларига кенг имкониятлар яратмоқда.**

Уч ойлик курсни тамомлаган Дилрабо Бойбобоевага ҳоким ёрдамчисининг кўмаги билан субсидия асосида тикув машинаси олиб берилиб, бандлиги таъминланди. Марҳабатхон Мирзаева хонадонига субсидия асосида қуриб берилган 1 сотихли иссиқхонада бодринг парвариланамоқда. «Ҳар бир оила – тадбиркор»

дастури асосида 22 нафар фуқарога кўйчилик, тикувчилик ва бошқа йўналишлар бўйича 493 млн. сўм имтиёзли кредит берилди. Араббой Тўлабоев кўйчилик йўналишида 20,5 млн. сўм имтиёзли кредит ажратилганидан хурсанд. Қўйларни кўпайтириб яхшигина даромад олмоқда.

Мухбиримиз.



# ЭНЕРГЕТИКА

Бир оила сув иситиш учун бир ойда ўртача 195 минг сўм харажат қилади, дейлик. Энди улар 6 миллион сўм эвазига 200 литрли қуёш қурилмаси ўрнатса, давлатдан 2 миллион сўм компенсация олади. Бунда ҳар ой кетган харажат иқтисод бўлиши ҳисобиға, сув иситиш қурилмаси 21 ойда пулини оқлайди ва «ёнға қолади».

## ҚАЙТА ТИКЛАНУВЧИ ЭНЕРГИЯ: Энди ускуналарни уч йил ичида фоизсиз, бўлиб-бўлиб тўлаш шарти билан сотиб олиш мумкин



**Бугунги кунда юртимизда 2-3 миллиард киловатт соат электр энергиясига қўшимча талаб бор. Келгуси беш йилда бу эҳтиёж 10 миллиард киловатт соатга ошиши кутилмоқда. Бундай вазиятда энг самарали йўл уй-жой, корхона, боғча, мактаб ва шифохоналарда муқобил энергиядан фойдаланишни кўпайтиришдир. Шу боис қайта тикланувчи энергия ускуналарини кенг жорий этиш, бу борада аҳолини қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари Ҳукуматнинг доимий эътиборида бўлиб келмоқда.**

Бу борада аҳоли ва тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш учун янги тизим белгиланди. Унга кўра, ҳар бир ўрнатилган қуёш ва шамол электр ускунаси учун қувватига қараб 15 миллион сўмгача, сув иситиш қурилмаси учун эса 2 миллион сўмгача компенсация тўланади. Ёки ускуна қийматини 3 йил ичида фоизсиз, бўлиб-бўлиб тўлаш имконияти ҳам яратилади.

Масалан, бир оила сув иситиш учун бир ойда ўртача 195 минг сўм харажат қилади, дейлик. Энди улар 6 миллион сўм эвазига 200 литрли қуёш қурилмаси ўрнатса, давлатдан 2 миллион сўм компенсация олади. Бунда ҳар ой кетган харажат иқтисод бўлиши ҳисобиға, сув иситиш қурилмаси 21 ойда пулини оқлайди ва «ёнға қолади». Агар оила компенсацияни эмас, бўлиб-бўлиб тўлашни танласа, ойлик тўлов 170 минг сўм бўлади. Яъни ҳозирги тўловдан ҳам кам бўлади ва уч йилдан кейин иссиқ сув учун умуман харажат қилмайди.

Яна бир қулай томони, одамлар бунинг учун бирон-бир идораға бориб юрмайди. Ҳамма ҳужжатлар ускуна харид қилинадиган жойнинг ўзида ҳал этиб берилари

ди. Бу тизим Энергетика вазирлиги ҳузуридаги Тармоқлараро энергияни тежаш жамғармаси орқали жорий этилади. 2022 йил 1 октябрдан Жамғарманинг рақамли онлайн платформаси (<https://energymarket.uz/>) ишга туширилди. Платформадан фойдаланган ҳолда, истеъмолчилар мамлакатда ишлаб чиқарилган қуёш панеллари ва қуёш сув иситигичларини 3 йилгача фоизсиз бўлиб бўлиб тўлаш шарти билан харид қилиши мумкин. Шу билан бирга, қайта тикланувчи энергия қурилмалари нархини тўлиқ тўлаган истеъмолчи харажатларининг бир қисми Жамғарма ҳисобидан қопланади.

### ҚАНЧА МИҚДОРДА КОМПЕНСАЦИЯ Тўланади?

Айни жараёнларнинг ҳуқуқий асоси сифатида 2022 йил 5 октябрда Вазирлар Маҳкамасининг «Аҳолининг маҳаллий ишлаб чиқарувчилар томонидан ишлаб чиқарилган қайта тикланувчи энергия манбаларининг қурилмаларини харид қилиш харажатларининг бир қисмини компенсация қилиш ёки бўлиб-бўлиб тўлаган ҳолда сотиб олиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори қабул

қилинди.

Қарор билан Жамғармага Давлат бюджети ҳисобидан 10 миллиард сўм ажратилади. Бунда жисмоний шахсларга шамол ёки қуёш электр станциясини ўрнатганлик учун, агар уларнинг қуввати 0,5 кВтдан 1 кВтгача бўлса — БҲМнинг 7 баробари, 1 кВтдан 1,5 кВтгача бўлса — БҲМнинг 10 баробари, 1 кВтдан 2 кВтгача бўлса — БҲМнинг 15 баробари, 2кВт. ва ундан юқори бўлса — БҲМнинг 20 баробари миқдорида компенсация тўланади.

Шу билан бирга, янги ерлар ўзлаштирилганда ва тик қудуқларда ўрнатилган сув насосларининг электр энергияси истеъмоли 5 кВт. ва ундан юқори бўлган қайта тикланувчи энергия манбалари қурилмалари орқали таъминланганда — БҲМнинг 50 баробари миқдорида, сув иситиш ҳажми 100 литр ва 200 литр бўлган қуёш сув иситиш қурилмалари учун тегишлича — БҲМнинг 5 ва 7 баробари миқдорида компенсация берилади.

Қайта тикланувчи энергия манбалари қурилмаларини жорий этишни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш Жамғарманинг ягона электрон майдончаси

(Платформа) ёрдамида амалга оширилади. Бунда ишлаб чиқарувчи ва хизмат кўрсатувчи маҳаллий корхоналарнинг ўз маҳсулот ва хизматларини сотиш бўйича таклифлари Платформага жойлаштирилади. Компенсация олиш ёки унинг қийматини бўлиб-бўлиб тўлаш учун жисмоний шахсларнинг аризалари Платформа орқали онлайн тарзда тақдим этилади.

### ШАРТНОМА ҚАНДАЙ ТУЗИЛАДИ?

Ариза берувчи Платформа ва Ягона интерактив давлат хизматлари портали ёки Давлат хизматлари портали оператори ёрдамида Платформада жойлаштирилган қурилмалардан бирини танлайди ва мурожаат аризаси қолдиради. Ариза скоринг баҳолаш маълумотлари асосида бир кун ичида кўриб чиқилади. Бунда фуқароларни скоринг баҳолаш (фуқаро маълумотлари, уларни идентификациялаш, бюджет, солиқ, коммунал, кредит ва бошқа қарздорлиги ҳолати, кредит тарихи ва бошқалар) белгиланган мезонлар асосида амалга оширилади.

Скоринг баҳолаш натижалари бўйича аризага SMS-хабар юборилади. Платформа 18 ёшга

тўлмаган ёки 60 ёшдан (аёллар 55 ёшдан) фуқаро ариза берганда, ариза-чининг банк кредитлари бўйича 30 кун муддати ўтган қарздорлиги мавжуд бўлганда, салбий кредит тарихига эга бўлганда, солиқ, коммунал, МИБдан ва бошқа тўловлардан қарздорлиги мавжуд бўлганда аризаларни автоматик равишда рад этади.

Ариза қабул қилинган ҳолларда, ишлаб чиқарувчи жойига чиққан ҳолда қурилмани ўрнатиш мумкинлигини ўрганади. Шу асосда тавсиянома бериш ёки рад этиш тўғрисида ҳулоса тайёрланади. Ариза тасдиқланган ҳолатда, компенсация ёки бўлиб тўлаш ҳақидаги шартнома Платформада автоматик шакллантирилади ва фуқарога тасдиқлаш учун SMS-хабар юборилади. Шундан сўнг электрон олди-сотди шартномаси автоматик равишда расмийлаштирилиб, қурилма аризага етказиб берилади.

Хуллас, қарор билан аҳолига муқобил энергия манбалари бўйича яна бир қулайлик яратилди. Эндиликда ҳар биримиз бундан самарали фойдаланишимиз, электр тежамкорлигига ўз ҳиссамизни қўшишимиз мумкин.

Содиқ АБДУРАСУЛОВ.

БИЛАСИЗМИ?

## Қуёш сув иситигич қурилмасининг қандай афзаллиги бор?

Қуёш сув иситигичнинг афзаллиги шундаки, у электр энергиясиз сув иситиш тизими бўлиб, ортиқча харажатларсиз қуёш нурлари орқали хонадонини иссиқ сув билан таъминлаб беради. Коллектордан фойдаланган ҳолда истеъмолчи йилнинг тўққиз ойида сувни иситиш учун электр энергиясини 100 фоиз тежаш имкониятига эга. Қиш мавсумида 70 фоизгача энергия тежаш мумкин.

Қуёш сув иситигичлари сувни 100 даражадан юқори ҳароратда исита олади, бу табиий газ, электр энергияси ва қаттиқ ёқилғига ҳақиқий муқобил ҳисобланади. Бунинг ёрдамида қиш мавсумида хонадонлари иситиш ҳам

мумкин бўлади. Бугунги кунда 100 ва 200 литр сиғимга эга ва 20-24 кувурли қуёш сув иситигичлари маҳаллий шароитда ишлаб чиқарилмоқда. Қурилманинг қанча кувурлари кўп бўлса, қисқа вақт ичида кўпроқ

ҳажмдаги сувни иситиш имконини беради. Шунингдек, маҳаллий ишлаб чиқарувчилар томонидан ишлаб чиқарилаётган сув иситигичлар 15-20 йиллик кафолат муддатида ишончли хизмат қилади.



## ИЖТИМОЙ ҲИМОЯ

Янги ташкил этилаётган «Имкониятлар маркази» ногиронлиги бўлган шахслар ва иш берувчилар ўртасида мулоқот ўтказиш ҳамда ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш майдони сифатида фаолият юритади.

## «Имкониятлар маркази» ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилади



ТУЗИЛМА НОГИРОНЛИГИ БЎЛГАН ШАХСЛАР ВА ИШ БЕРУВЧИЛАР ЎРТАСИДА МУЛОҚОТ ЎТКАЗИШ ҲАМДА НОГИРОНЛИГИ БЎЛГАН ШАХСЛАРНИНГ ҲУҚУҚЛАРИ ВА ҚОНУНИЙ МАНФААТЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ МАЙДОНИ СИФАТИДА ФАОЛИЯТ ЮРИТАДИ

Мамлакатимизда ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга давлат сиёсати даражасида эътибор қаратилади. Президентнинг яқинда имзоланган «Ногиронлиги бўлган шахслар жамиятларига тегишли ташкилотларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш ҳамда ногиронлиги бўлган шахсларнинг бандлигига кўмаклашишга оид кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорини бу борадаги кучли ижтимоий ҳимоя сиёсатининг изчил давоми, дейиш мумкин.

Мақсад — ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳаёт сифати ва ижтимоий фаоллигини янада ошириш, шу йўналишдаги жамоат бирлашмаларига қарашли юридик шахсларни давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг самарали тизимини шакллантириш бўйича ҳаракатларни давом эттириш. Қарорнинг энг муҳим жиҳати — имконияти чекланган инсонларни касб-хунарга ўқитишга ихтисослаштирилган «Имкониятлар маркази» ташкил этилаётганидир. Мазкур ҳужжат асосида ягона иштирокчиси ногиронлиги бўлган шахсларнинг жамоат бирлашмалари ҳисобланган юридик шахслар ишлаб чиқараётган маҳсулотлар кўргазма ярмаркаси доимий тарзда ўтказилади, ҳажми ва техник параметрлари тўғрисидаги ахборотлар

2022 йил 15 ноябрга қадар Электрон кооперация порталига жойлаштирилади, 2023 йил 1 январга қадар ягона реестри юритилиши ташкил этилади. 2023 йил 1 январдан бошлаб давлат харидлари доирасида тегишли ташкилотлар харид предмети ҳажмининг камида 10 фоизи миқдоридан ўз ҳудудидан Реестрга киритилган корхоналар ишлаб чиқарган товарларни сотиб олади. Барча янгиликлар каби бу лойиҳа ҳам аввал тажриба тариқасида 2022 йил давомида Нукус ва Тошкент шаҳарларида ҳамда 2023 йилдан бошлаб қолган ҳудудларда иш бошлайди. Қарорда белгиланишича, «Имкониятлар маркази» ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш майдони сифатида

фаолият юритади ҳамда ногиронлиги бўлган шахсларнинг қизиқишидан келиб чиққан ҳолда касб-хунарга ўқитишга кўмаклашади. Эътиборлиси, энди бюджет буюртмачилари учун назарда тутилган чекловлар Электрон кооперация порталида рўйхатдан ўтган, ходимлари умумий сонининг камида 50 фоизи ногиронлиги бўлган шахслардан иборат ва ногиронлиги бўлган шахслар меҳнатига ҳақ тўлаш фонди умумий меҳнатга ҳақ тўлаш фондининг камида 50 фоизини ташкил этадиган, ягона иштирокчиси ногиронлиги бўлган шахсларнинг жамоат бирлашмалари ҳисобланган юридик шахслар томонидан ишлаб чиқариладиган маҳсулотларни харид қилишга нисбатан татбиқ этилмаслиги белгилаб қўйилди. Шунингдек, Савдо-саноат палатаси

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари томонидан ҳудудларда кўргазма ярмаркасини ўтказиш учун павильонлар бепул тарзда ажратилади. Ягона иштирокчиси ногиронлиги бўлган шахсларнинг жамоат бирлашмалари ҳисобланган юридик шахслар ҳамда улар томонидан ишлаб чиқариладиган маҳсулотларнинг ягона реестри Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг расмий веб-сайтида юритилади. Шунингдек, Давлат солиқ кўмитаси, Адлия вазирлиги, Давлат статистика кўмитаси ва Тиббий-ижтимоий хизматларни ривожлантириш агентлиги билан ўзаро электрон маълумотлар алмашинуви асосида шакллантирилади ва янгилаб борилади. Яна бир муҳим жиҳат — тадбиркорлик

субъектлари томонидан иш ўринлари ва шароитларни ногиронлиги бўлган шахсларга мослаштириш харажатларини қоплаш учун субсидия ажратишда ногиронлиги бўлган шахслар банд бўлган иш ўринларининг меҳнат шароитлари юзасидан давлат экспертизаси хулосасини талаб қилиш тартиби бекор қилинди. Умуман олганда, янги ташкил этилаётган «Имкониятлар маркази» ногиронлиги бўлган шахслар ва иш берувчилар ўртасида мулоқот ўтказиш ҳамда ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш майдони сифатида фаолият юритади. Улар билан дастлабки суҳбатларни ўтказиб, қизиқишидан келиб чиққан ҳолда касб-хунарга ўқитишга кўмаклашади.

Мақсадбек ФАЙЗ.

МАҲАЛЛАДА НИМА ГАП?

## Энг яхши раислар йўлланма олишди



Сирдарё вилоятида «Энг яхши маҳалла раиси» кўриктанловининг вилоят босқичи ўтказилди.

Танловда туман ва шаҳар босқичида ғолиб бўлган барча маҳаллалар ўз тақдимотлари билан иштирок этишди. Бир нечта ташкилот вакилларидан тузилган ҳакамлар ҳайъати аъзолари уларни баҳолаб борди. Якуний натижаларга кўра, «Энг яхши маҳалла раиси» мақомига Сирдарё туманидаги «Бахмал» маҳалласи раиси Элдор Раҳимов муносиб кўрилди. Кейинги ўринларни мос равишда Мирзаобод туманидаги «Янги

Ўзбекистон» маҳалласи раиси Сайфулла Жўраев ҳамда Гулистон шаҳридаги «Навбахор» маҳалласи раиси Илҳом Турдалиев эгаллади. Тадбир доирасида «Энг яхши сектор раҳбари», «Энг яхши ҳоким ёрдамчиси», «Энг яхши ёшлар етакчиси», «Энг яхши хотин-қизлар фаоли» танловлари ғолиблари аниқланиб, республика босқичига йўлланма олишди.

Мухбиримиз.



# ЖАРАЁН

Айрим юрtdошларимиз томонидан уй-жой ижараси орқали кўпроқ даромад олиш мақсадида аввал ижарага берилган квартиралардан фуқароларни, айниқса, талабаларни мажбурлаб чиқариб юбориш ёки асоссиз равишда нархни ошириш ҳолати кузатилмоқда.

## Мурожаатлар билан ишловчи ходимлар малакаси оширилади



**ҚАРОРДА НЕГА ФАҚАТ ДАВЛАТ ОРГАНЛАРИ ВА ТАШКИЛОТЛАРИНИНГ ЖИСМОНИЙ ВА ЮРИДИК ШАХСЛАРНИНГ МУРОЖААТЛАРИ БИЛАН ИШ ОЛИБ БОРУВЧИ ХОДИМЛАРИ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ АГИНА АНИҚЛИК КИРИТИЛГАН?**

**Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарорига кўра «Давлат органлари ва ташкилотларининг жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан иш олиб борувчи ходимлари малакасини ошириш тартиби тўғрисида»ги Низом тасдиқланди. Низомда давлат идораларида ишлайдиган ва мурожаатларга бириктирилган ходимлар ҳар 3 йилда Давлат бошқаруви академиясида ва Адлия вазирлигининг Юристарлар малакасини ошириш марказида малакаларини ошириши белгиланди.**

Ходимлар малакасини ошириш билан боғлиқ харажатлар уларни малака оширишга юборган ташкилот ҳисобидан қопланади. Малака ошириш курсида ўқитиш вақти 12 соатни ташкил этиб, таълим муассасаси ва унинг филиалларида, ходимларнинг иш жойида, масофавий таълим орқали ўқитиш шаклларида амалга оширилиши мумкин.

Бунда мурожаатларни кўриб чиқиш соҳасидаги давлат сиёсатининг мақсад ва вазифалари тўғрисида аниқ тушунчаларни, мурожаатлар билан иш олиб боришнинг ташкилий-ҳуқуқий масалалари бўйича тахлилий кўрикмаларни шакллантириш ва касбий тайёргарликнинг вазифалар, функцияларга мувофиқлигини таъминлаш, вазиятни тизимли назорат қилиш ҳамда мониторинг олиб бориш — малака оширишнинг асосий вазифалари этиб белгиланди.

Юқорида айтганимиздек, малака ошириш курслари 3 хил кўринишда ташкил этилади.

**Таълим муассасаси**

**ва унинг филиалларида ўқитиш** — Давлат бошқаруви академиясида ва Адлия вазирлигининг Юристарлар малакасини ошириш марказида олиб борилади.

**Иш жойида ўқитиш** — таълим муассасаси томонидан мутахассисларни жалб этиш орқали тингловчини ишдан ажратмаган ҳолда ўқитишдан иборат. Мазкур шаклдаги ўқитиш орқали ўқув жараёни давлат ташкилотлари томонидан гуруҳларнинг шакллантирилишини инobatга олган ҳолда тингловчилар сони камида ўн нафар бўлган гуруҳлар учун ташкил этилади.

**Масофавий таълим** — офлайн ҳамда онлайн тарзда амалга оширилади. Онлайн шаклдаги ўқитиш тингловчи ва профессор-ўқитувчилар ўртасида ўзаро алоқани таъминлаш учун махсус жиҳозланган ўқув хоналарида реал вақт режимида олиб борилади.

Офлайн шаклдаги масофавий ўқитиш таълим муассасасида ишга туширилган махсус платформа орқали амалга оширилади. Жараённинг барча босқичлари давлат ташкилотлари томонидан таъминланади. Бунинг учун махсус педагог

маслаҳатчи тайинланади. Топириқларнинг бажарилишини назорат қилиш айна шу мутахассисга юкланади.

Малака ошириш курслари ўқув дастурига мувофиқ, белгиланган мавзулар (модулар) бўйича синов имтиҳонини топириш билан янунланади. Шунга асосан, битирувчиларга махсус сертификат берилади. Аммо имтиҳондан ўта олмаганларга курсларни тугатгани бўйича маълумотнома берилади, холос.

Шу ўринда бир мулоҳаза. Бу қарорда нега фақат давлат органлари ва ташкилотларининг жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан иш олиб борувчи ходимлари малакасини оширишгагина аниқлик киритилган? Ваҳоланки, нодавлат корхона ва ташкилотларга ҳам жисмоний ва юридик шахслардан кўплаб мурожаатлар юборилади. Нима учун қарорда бу йўналишга тўхталинмаган? Айни мулоҳазаларга масъуллардан тушунтириш кутиб қоламиз.

Хайрулло АБДУРАҲМОНОВ.

БИЛИБ ҚЎЙГАН ЯХШИ!

## ИЖАРА ШАРТНОМАСИ АСОССИЗ БЕКОР ҚИЛИНМАЙДИ

Сўнги вақтларда мамлакатимизга хориждан ташриф буюрувчи фуқароларнинг кескин кўпайиши кузатилмоқда. Бу, албатта, туристик салоҳиятимиз учун ижобий аҳамият касб этади. Бироқ бу жараёнда айрим юрtdошларимиз томонидан уй-жой ижараси орқали кўпроқ даромад олиш мақсадида аввал ижарага берилган квартиралардан фуқароларни, айниқса, талабаларни мажбурлаб чиқариб юбориш ёки асоссиз равишда нархни ошириш ҳолати кузатилмоқда.

Уй-жой эгаларининг ушбу ҳаракатлари Фуқаролик кодекси ва бошқа қонунчилик ҳужжатлари талабларини бузилишига сабаб бўлиши ҳамда квартираларни ижарага беришнинг айрим муҳим ҳуқуқий асослари тўғрисида эслатиб ўтмоқчимиз.

**1. КВАРТИРАНИ ИЖАРАГА БЕРИШ БЎЙИЧА ШАРТНОМА ШАКЛИ.** Уй-жойни ижарага бериш шартномаси ёзма шаклда тузилади. Бунда шартнома солиқ органларида давлат ҳисобига қўйилиши керак. Шартномани давлат ҳисобига қўйиш [ijara.soliq.uz](http://ijara.soliq.uz) портали орқали бепул амалга оширилади. Шартномани давлат ҳисобига қўйиш ижарага берувчининг мажбурияти ҳисобланади ва бу шартнома тузилган кундан 3 кундан кечиктирмай амалга оширилиши керак.

Ижарага берувчи шартномани давлат солиқ органларида ҳисобга қўймаса, **БҲМнинг 5 бараваридан (1 млн. 500 минг сўмдан) 10 бараваригача (3 млн. сўмгача)** миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

**2. ИЖАРА ШАРТНОМАСИНИНГ МУДДАТИ.** Уй-жойни ижарага бериш шартномаси **5 йилдан ортиқ бўлмаган** муддатга тузилади. Шартномада муддат кўрсатилмаган бўлса, у **5 йилга** тузилган ҳисобланади. Ижарага олувчи янги муддатга шартнома тузишда **имтиёзли ҳуқуққа** эга бўлади.

**3. ИЖАРА УЧУН ТўЛАНДИГАН ҲАҚ.**

Ижара ҳақи миқдори ижарага берувчи ва ижарага олувчининг **ўзаро келишувига биноан** шартномада белгилаб қўйилади. Ижара ҳақининг миқдори бир томонлама ўзгартирилишига **йўл қўйилмайди**. Ижара пули шартномада кўрсатилган муддатларда тўланиши керак.

**4. ШАРТНОМАНИ БЕКОР ҚИЛИШ.** Ижара шартномаси **тарафларнинг келишуви** билан бекор қилинади. Ижара шартномасини ижарага берувчининг талаби билан бекор қилиш муайян асосларга кўра **фақат суд тартибида** амалга оширилади. Бу асослар жумласига қуйидагилар киради:

- ижара пули олти ой ёки қисқа ижарада эса шартномадаги муддатдан кейин **2 мартадан кўпроқ ҳақ тўланмаган бўлса;**
- уй-жой вайрон қилинса ёки унга **путур етказилса;**
- уй-жойдан **ғайриқонуний мақсадлар учун** фойдаланилган бўлса.

Ижарага олувчи уй-жойдан бошқа мақсадда фойдаланса ёки **қўшниларнинг ҳуқуқлари ва манфаатларини бузса**, ижарага берувчи ижарага олувчини қоидабузарликка йўл қўймаслик ҳақида **огоҳлантириши мумкин**. Ижарага олувчи огоҳлантириш олганлардан кейин ҳам қоидабузарликларни давом эттирса, ижарага берувчи шартномани суд тартибида **бекор қилишга ҳақли**.

**Юқоридагиларга кўра, шартнома шартларини бир томонлама ўзгартиришга йўл қўйилмайди.**

Ижарага берувчилар томонидан квартирадан чиқиб кетиш ёки кўпроқ ҳақ тўлашга **оид ноқонуний талаблар** устидан фуқаролик ишлар бўйича судларга мурожаат қилиш орқали бузилган ҳуқуқларни тиклаш мумкин.

Фаррух Жўраев,  
Адлия вазирлиги масъул ходими.



КЎЗГУ

Электр энергияси ва табиий газ бўйича нореал қарздорликлар суммаси ошишининг олдини олиш мақсадида истеъмолчиларга даврлар бўйича сарфлаган энергияси ва унга тўлаган тўловлар тўғрисидаги аниқ ахборотларни олиш ҳуқуқи берилмоқда.

## Коммунал соҳа шартномаларида истеъмолчига қулайлик яратилади



**ЭЛЕКТР ЭНЕРГИЯСИ ВА ТАБИЙ ГАЗ ЕТКАЗИБ БЕРИШ СИФАТСИЗ БЎЛСА ҲАМДА ЕТКАЗИБ БЕРИШДА ЙЎЛ ҚЎЙИЛАДИГАН ТАНАФФУСНИНГ ДАВОМИЙЛИГИГА РИОЯ ҚИЛИНМАСА, ИСТЕЪМОЛЧИЛАР БИЛАН ҚАЙТА ҲИСОБ-КИТОБ ҚИЛИНАДИ**

**Адлия вазирлиги электр энергияси ва табиий газ таъминоти бўйича истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг қарори лойиҳасини ишлаб чиқди. Ҳўш, лойиҳада нималар назарда тутилмоқда? Уларнинг оддий одамларга қандай фойдали жиҳатлари бор?**

**БИРИНЧИДАН**, электр энергияси ва табиий газни етказиб беришни чеклаш ва узиб қўйиш билан боғлиқ қоидалар фақат шартномада кўрсатилиши белгиланмоқда.

Амалдаги қоидаларда (Ҳукуматнинг 2018 йил 12 январдаги «Электр энергияси ва табиий газдан фойдаланиш тартибини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори билан тасдиқланган) электр энергияси ва табиий газни етказиб беришни чеклаш ва узиб қўйишга оид қоидалар назарда тутилган. Шундан келиб чиқиб, электр энергияси ва табиий газ таъминоти бўйича узилишлар шартнома томонлари (истеъмолчи ва етказиб берувчи) ўртасидаги муносабатларга шартномада белгиланмаган янги ҳуқуқ ва мажбуриятларни юклашга оид нормалар чиқариб ташланмоқда.

**ИККИНЧИДАН**, электр энергияси ва табиий газ етказиб бериш сифатсиз бўлса ҳамда етказиб беришда йўл қўйиладиган танаффуснинг давомийлигига риоя қилинмаса, истеъмолчилар билан қайта ҳисоб-китоб қилинишига оид қоидалар белгиланмоқда.

Илғор хорижий давлатларнинг тажрибаси ўрганилганда, уларда энергия етказиб беришда йўл қўйиладиган танаффусларнинг аниқ давомийлик муддатлари

кўрсатилган ҳамда агар зарур сифатга эга бўлмаган ва (ёки) белгиланган давомийликдан ортиқ бўлган танаффуслар билан етказиб берилганда тўлов миқдори қайта ҳисоб-китоб қилиниши белгиланган.

Худди шу каби қоидалар Кўп квартиралар уйларда иссиқлик таъминоти хизматлари кўрсатиш қоидаларида (Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 15 июлдаги «Коммунал хизматлар кўрсатиш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарори билан тасдиқланган) ҳам назарда тутилган. Бирок электр энергияси ва табиий газ етказиб беришда бундай қоидалар назарда тутилмаган эди.

**УЧИНЧИДАН**, электр энергияси ва табиий газ бўйича нореал қарздорликлар суммаси ошишининг олдини олиш мақсадида истеъмолчиларга даврлар бўйича сарфлаган энергияси ва унга тўлаган тўловлар тўғрисидаги аниқ ахборотларни олиш ҳуқуқи берилмоқда.

Ушбу амалиёт кўплаб хорижий давлатларда, хусусан, Европа Иттифоқига аъзо бўлган мамлакатларда кенг қўлланилиб келинмоқда.

**ТЎРТИНЧИДАН**, «Шахсга доир маълумотлар тўғрисида»ги қонун талабларидан келиб чиқиб, ҳудудий электр тармоқлари корхоналари ва газ таъминоти ташкилотларига

истеъмолчиларнинг шахсига доир маълумотларини учинчи шахсларга ошкор этмаслик мажбурияти юкланмоқда.

Амалдаги қоидаларда (Ҳукуматнинг 2018 йил 12 январдаги «Электр энергияси ва табиий газдан фойдаланиш тартибини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори билан тасдиқланган) электр энергияси ва табиий газ етказиб беришда ва энергия таъминоти шартномасини расмийлаштиришда энергия таъминоти ташкилотлари истеъмолчилар ҳақида маълумотларга эга бўлади.

**БЕШИНЧИДАН**, мурожаатларни қабул қилиш мақсадида 24 соат мобайнида туну кун ишлайдиган ягона «call-center» марказлари фаолиятини ташкил этиш белгиланмоқда.

Бунинг натижасида республикамизнинг турли ҳудудларида истеъмолчиларнинг электр энергияси ва табиий газ истеъмол қилишида юзага келган муаммолари тезкорлик билан бартараф этилади.

**ОЛТИНЧИДАН**, истеъмолчиларнинг ҳуқуқлари сифатида умумий фойдаланишдаги энергия тармоқларини ўз маблағлари ҳисобидан таъмирлаганда ёки тиклаганда, энергия таъминоти ташкилотидан ушбу харажатларни қисқа муддатда

қоплаб берилишини талаб қилиш ҳуқуқи киритилмоқда.

Амалиётда энергия тармоқларидаги таъмирлаш ишлари етказиб берувчи ташкилот томонидан ўз вақтида амалга оширилмаётганлиги сабабли, маийшй истеъмолчилар ушбу носозликларни ўз маблағлари ҳисобидан таъмирламоқда.

**ЕТТИНЧИДАН**, электр энергиясини ҳисобга олиш электр асбоблари ҳудудий электр тармоқлари корхонаси маблағлари ҳисобидан алмаштирилиши билан боғлиқ ўзгартиришлар киритилмоқда.

Амалдаги қоидаларда (Ҳукуматнинг 2018 йил 12 январдаги «Электр энергияси ва табиий газдан фойдаланиш тартибини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори билан тасдиқланган) янгидан фойдаланишга топширилаётган кўп квартиралар уй-жойларни ўз балансида истеъмолчиларнинг электр тармоқлари ҳудуд курувчилар электр энергияни ҳисобга олиш асбобларини ва уларни ўрнатиш бўйича кўрсатилган хизмат нархини ўз ҳисобидан тўлаши шартлиги белгилаб қўйилган.

Шу билан бирга, лойиҳада истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишга оид бошқа бир қатор қоидалар ҳам киритилмоқда.

Иброҳим ПЎЛАТОВ тайёрлади.

МАҲАЛЛАДА НИМА ГАП?

## «Гулистон» ободликка юз тутуди



**Нишон туманидаги «Гулистон» маҳалласида аҳолини қийнаб келаётган муаммоларни бартараф қилиш, уларга муносиб турмуш шароитини яратиш борасида тизимли ишлар амалга оширилмоқда.**

Маҳалланинг Теракзор, Боғишамол ва Гулистон кўчаларининг электр таъминоти учун яроқсиз ҳолга келиб қолган устунлари янги темир-бетонлисига алмаштирилмоқда. Вилоят ва туман электр таъминоти корхонаси томонидан электр тизимларини реконструкция қилиш, 95 дан зиёд бетон устунлари ўрнатиш ишлари ҳашар орқали бажарилаяпти.

Шунингдек, 2-умумтаълим мактабининг бошланғич синфи учун янги қўшимча бино қуриш юзасидан лойиҳа смета ҳужжатлари ишлаб чиқилиб, қурилиш ишлари бошланди. Ички тупроқли кўчаларга қум-шағал ётқизилмоқда. Умуман олганда, ҳудуд инфратузилмасини янада яхшилаш ва аҳоли муаммоларини бартараф этиш бўйича тизимли ишлар олиб борилмоқда.

Бекназар САРИЕВ,  
Нишон тумани Маҳалла ва нуронийларни қўллаб-қувватлаш бўлими бошлиғи.



ҲОЛАТ

**Валюта айирбошлаш тизимини янада эркинлаштириш шарт. Яъни хусусий секторга ҳам чет эл валютасини алмаштириш имкониятини бериш керак. Банклар дам олиш кунлари ишлашни хоҳламаса, марҳамат, хусусий саррофларга йўл берайлик. Улар ҳар қандай вазиятда ишлайверади.**

Хусусий секторда рақобат валюта курсларини пасайтиришда ҳам қўл келиши эҳтимоли бор. Иқтисодиётнинг сояда турган каттагина қисми легаллашади. Бу эса бюджетга қўшимча тушумлар демақдир.



# «Доллар, рубль, тенге оламиз...»

**ХУСУСИЙ СЕКТОРГА ҲАМ ЧЕТ ЭЛ ВАЛЮТАСИНИ АЛМАШТИРИШ ИМКОНИЯТИНИ БЕРИШ КЕРАК. БАНКЛАР ДАМ ОЛИШ КУНЛАРИ ИШЛАШНИ ХОҲЛАМАСА, МАРҲАМАТ, ХУСУСИЙ САРРОФЛАРГА ЙЎЛ БЕРАЙЛИК. УЛАР ҲАР ҚАНДАЙ ВАЗИЯТДА ИШЛАЙВЕРАДИ. БУ БЮДЖЕТГА ҚЎШИМЧА ТУШУМЛАР ДЕМАҚДИР. ЯНГИ ИШ ЎРИНЛАР ҲАҚИДА ҲАМ ЭСЛАБ ЎТИШ КЕРАК**

**Ёдимизда, аввал долларнинг уч хил курси бўларди. Бу бир неча «имтиёзли» шахслардан бошқа ҳеч ким фойдалана олмайдиган расмий банк курси, кўча курси ва электрон валюта курсидан иборат эди. Натижада одамлар банклар билан валюта «олди-сотди»сида умуман иштирок этмади. Банклар вужудга келган бу шароитда йиллар мобайнида миллиардлаб доллар зарар қилган бўлиши керак. Яхшики, кейинги йилларда амалга оширилган банк ислохотлари мазкур муаммоларга ечим бўлди.**

Ҳозир хориж валютасини сўмга, сўмни хориж валютасига айлантириш бўйича банклар билан боғлиқ бирор муаммо йўқ. Расмий белгиланган курс бўйича ҳар қандай банк филиали истаганингизча долларни сотиб олиши ва сотиши мумкин. Бундан ташқари, катта савдо марказлари, бозорларда шу хизмат учун ўрнатилган банкоматлар ишлаб турибди. Шароит жуда қулай. Ҳеч ким сизни алдамайди. Сохта пул ҳам тиқиштира олмайди. Аммо негадир шунча имконият яратилганига қарамай, ҳануз бозорлар олди ва эскиртдан валютафурушлар маскани сифатида ном чиқарган жойларда «рубль, доллар, олтин оламан», деб пичирлаб юрган одамларни кўп учратамиз. Баъзан кўчадаги валютафурушларнинг белгиланган нархлари банкликдан қимматроқ ҳам бўлади. Шунда ҳам одамлар барибир уларнинг олдига бора-

веришади. Хўш, шунча имконият бўлса-да, валютанинг банкдан ташқарида савдоси нега тўхтамаяпти?

Мавжуд вазият соҳадаги ислохотни янада чуқурлаштириш лозимлигини кўрсатмоқда. Чунки банклардаги валюта айирбошлаш шохобчалари, яъни саррофхоналарнинг дам олиш кунлари ишламаслиги аҳоли ва тадбиркорларга ноқулайлик туғдириши мумкин. Ижтимоий тармоқларда бу масала кенг муҳокама қилинмоқда, муаммо юзасидан турли фикрлар янграяпти.

**ҚАНЧА БАНКОМАТ БОР?**

Бош прокуратура ҳузуридаги департаментнинг маълумотига кўра, 2018 йилда республикада 1 638 та валюта айирбошлаш шохобчаси фаолият юритган бўлса, ҳозирги кунга келиб уларнинг сони 3 970 тани, шундан валюта айирбошлаш банкоматлари сони 1 880 тани

ташкил этмоқда. Жумладан, жорий йилнинг ўтган 6 ойида республикада 251 та валюта айирбошлаш шохобчаси ва 343 та валюта айирбошлаш банкомати ишга туширилган.

Хусусан, департамент органлари томонидан хорижий валюта қимматликларини ноқонуний муомалага киритилишининг олдини олиш борасида тезкор тадбирлар тизимли равишда ўтказиб келинмоқда. Жорий йилнинг ўтган даврида бу борада 245 та қонунбузарлик ҳолати аниқланиб, натижасига кўра, 167 та жиноий ҳамда 78 та маъмурий ҳуқуқбузарликка оид ишлар қўзғатилган. Ҳуқуқбузарлардан давлат фойдасига 433,2 минг АҚШ доллари, 1,1 млн. Россия рубли, 702,2 минг қозоқ тенгеси ва 1,2 млрд. сўм ашёвий далил сифатида олиб қўйилган. Қалбаки пул ясаш ва ўтказиш билан боғлиқ 23 та жиноят фош этилиб, 135 млн. сўмлик ҳамда 53,2 минг АҚШ

долларилик қалбаки банкнотларни эркин муомалага киритилишининг олди олинган.

**НИМА ҚИЛМОҚ КЕРАК?**

«Қора бозор» фаолияти барҳам топмаётганинг ўзига хос сабаблари бор, албатта. Урганишлар кўрсатмоқдаки, банклардаги валюта айирбошлаш шохобчаларига нисбатан аксарият банкоматларда АҚШ доллари бир неча сўм арзон нарҳда қабул қилинапти. Бундан ташқари, банкларнинг валюта айирбошлаш шохобчалари шанба ва яқшанба кунлари, шунингдек, бошқа дам олиш кунлари ишламайди. Шу боис айрим фуқаролар валюта айирбошлашда ноқонуний саррофлар хизматидан фойдаланмоқда.

Демак, валюта соҳасидаги ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш мақсадида, биринчи навбатда, банкларнинг валюта айирбошлаш

шохобчалари узлуксиз ишлашини таъминлаш, банкоматлардаги курсни шохобчадаги курсларга тенглаштириш ва чет эл валютасини юқори нарҳда сотиб олаётган банкоматларни кўпайтириш лозим. Шунингдек, валюта айирбошлаш тизимини янада эркинлаштириш шарт. Яъни хусусий секторга ҳам чет эл валютасини алмаштириш имкониятини бериш керак. Банклар дам олиш кунлари ишлашни хоҳламаса, марҳамат, хусусий саррофларга йўл берайлик. Улар ҳар қандай вазиятда ишлайверади.

Бундан ташқари, хусусий секторда рақобат валюта курсларини пасайтиришда ҳам қўл келиши эҳтимоли бор. Иқтисодиётнинг сояда турган каттагина қисми легаллашади. Бу эса бюджетга қўшимча тушумлар демақдир. Янги иш ўринлар ҳақида ҳам эслаб ўтиш керак.

У.ИБОДИНОВ.

МАҲАЛЛАДА НИМА ГАП?

# «Холвойи»да орзулар рўёби

**Жомбой туманида йилнинг ўтган даври мобайнида ўнта маҳалла учун янги замонавий бинолар қуриб фойдаланишга топширилди. Ўзини ўзи бошқариш органлари моддий-техник базасини яхшилаш борасидаги ишлар давом этмоқда.**

Куни кеча шундай хайрли ишларнинг навбатдагиси «Холвойи» маҳалласида рўёбга чиқди.

— Биз узоқ йиллардан буён шу каби замонавий биноларда ишлашни орзу қилганмиз, — дейди маҳалла фаоли Қобилжон Йўлдошев. — Ниҳоят ниятимизга етдик. Маҳалламиз идорасининг янги биноси барча шароитларга эга. Ҳар бир ходим учун алоҳида хоналар, мажлислар зали зарур барча жиҳозлар билан таъминланган. Ўйлайманки, бу каби эътибор

фаолларимизнинг кучига куч қўшади. Эл-юрт хизматида янада шижоатли бўлишга ундайди.

Маҳалла биносининг тантанали очилиш маросимида вилоят Маҳалла ва нуронийларни қўллаб-қувватлаш бошқармаси бошлиғи И.Жабборов, туман ҳокимлиги вакиллари, маҳалла аҳли, фахрийлар ва ёшлар иштирок этди. Тадбир давомида бино қурилишда фидойилик кўрсатган юртдошларимизга ташаккурнома ва эсдалик совғалар топширилди.





# ВАЗИЯТ

Ҳисоботлар учун ишлаш, бир-биридан кўчирилган ҳисоботларни юқорига узатиш орқали кун кўришга йўналтирилган ишлаш услуги давом этмоқда. Замон ўзгарган, замон шиддатли. Юқоридаги ташкилотлар эса ҳамон 1990-йилларда қолиб кетгандек туюлади.

## Оиладаги қотилликка қандай барҳам бериш мумкин?



**БИЗНИНГ-ЧА, МУАММОЛАРНИНГ БАРЧАСИ ЭСКИЧА ИШЛАШ УСУЛЛАРИГА БОРИБ ТАҚАЛАДИ. ЯЪНИ ҲИСОБОТЛАР УЧУН ИШЛАШ, БИР-БИРИДАН КЎЧИРИЛГАН ҲИСОБОТЛАРНИ ЮҚОРИГА УЗАТИШ ОРҚАЛИ КУН КЎРИШГА ЙЎНАЛТИРИЛГАН ИШЛАШ УСЛУБИ ДАВОМ ЭТМОҚДА**

Шу кунларда оилавий зўравонлик қурбони бўлган аёллар мавзуси яна кун тартибига чиқди. ОАВ юртимизда охириги бир неча ой ичида 7 нафар аёл турмуш ўртоғи томонидан ўлдирилганига эътибор қаратяпти. Жумладан, тахририятимиз ҳам мавзу юзасидан қатор мақолалар эълон қилган. Масалан, 25 августда Қуйи Чирчиқда 24 ёшли аёл икки фарзанди кўз олдида, 6 сентябрда Зарбдор туманида, 2 сентябрда Ғаллаорол туманида 4 фарзанднинг онаси турмуш ўртоғи томонидан уриб ўлдирилган. Қолаверса, Избосган, Данғара туманларида ҳам шу каби ҳолатлар содир этилган. Юқоридагилар фақатгина август ва сентябрь ойларида юз берган фожиалар. Мазкур жиноятларнинг оилавий характерга эга экани одамни ҳавотирга солади. Жиноятчилик, ваҳшийлик оилаларга тобора кўпроқ кириб бораётгандек таассурот уйғотади.

### «ЖОНИМДАН ТЎЙДИРДИ, ШУНИНГ УЧУН ЎЛДИРДИМ...»

Статистикани қарасак, аёллар иштирокида содир этилаётган жиноятлар ҳам кўпайиб бормоқда. Масалан, кун кеча — 11 октябрь кун Оҳангарон шаҳри Охунбоев номли маҳаллада яшовчи 28 ёшли аёл шаръий никоҳдаги турмуш ўртоғини келишмовчилик сабабли ошхона пичоғи билан қасддан ўлдирган. 22 июнь кун Жиззахнинг «Узунқишлоқ» маҳалласида эр-хотин ўзаро гап талашши қотиллик билан якунланди. Бу ҳолатда ҳам 50 ёшли аёл жаҳл устида ошхона пичоғини турмуш ўртоғининг қорнига санчган. Андижонда ёш келин эрини ўлдирди. Июль ойида Бешарикда маст

эрининг қўл-оёқларини боғлаб, ғўла билан уриб, хушидан кетгизган, сўнгра ёстиқ билан бўғиб ўлдирган аёлга ҳукм ўқилганди. Судда у пушмонлик ўрнига «Жонимдан тўйдирди, шунинг учун ўлдирдим», дея кўрсатма берган. Бу каби ҳодисаларни яна кўплаб санаш мумкин...

Албатта, бу билан ким кўпроқ жиноят содир этаётгани тўғрисида баҳс очмоқчи эмасмиз. Аксинча аёллар билан боғлиқ муаммоларни комплекс тарзда кўриб чиқишни назарда тутаямиз. Зеро, муаммонинг ечими фақатгина барча тарафлама таҳлил асосидагина топилади.

### ҲАР ТЎРТТА ҚОТИЛЛИКНИНГ БИРИНИ АЁЛЛАР СОДИР ЭТГАН

Масала юзасидан Ички ишлар вазирлиги, бошқа ҳуқуқ-тартибот идораларида етарлича маълумотлар мавжуд. Таҳлиллар қилинганда, хотин-қизлар ўртасида жиноятчиликнинг олдини олиш бўйича таклифлар ишлаб чиқилмоқда.

— Хотин-қизларнинг қатор муаммолари борлиги ҳеч кимга сир эмас, — дейди Ички ишлар вазирлиги ходими, подполковник Мақсуда Хўжаназарова. — Бугунги кунда оила-турмуш доирасида келиб чиқаётган низолар оқибатида аёллар томонидан нисбатан оғир ва ўта оғир турдаги жиноятлар қайд этилаётгани барчани ташвишга солади. Эътибор беринг, 2021 йилда республика бўйича 6 675 та маҳаллада (71,7 фоиз) жиноят содир этилган, шундан 426 та қотиллик жиноятининг 37,1 фоизи

ёки 158 таси оила-турмуш муносабатлари доирасида юз берган. Шахс ҳаёти ва соғлиғига қарши жиноятларнинг 40 фоизи, ҳар тўртта қотилликнинг биттаси, қасддан баданга шикаст етказишларнинг ҳар бештадан биттаси, ҳақорат қилиш ва тўхматнинг саккизтадан биттасини айнан оила-турмуш соҳасида аёллар содир этмоқда. Аёллар ўртасидаги жиноятчилик таҳлили ўғирлик, товламачилик, фирибгарлик, гиёҳвандлик воситаларининг ғайриқонуний муомаласи, савдо қоидаларини бузиш, фоҳишахоналар сақлаш, қасддан баданга шикаст етказиш, харидор ва буюртмачиларни алдаш, таносил касалликларини юқтириш кўринишидаги жиноятлар кўпчиликини ташкил этаётганини кўрсатмоқда.

### НИМА ҚИЛМОҚ КЕРАК?

Аёлларга нисбатан зўравонлик, шу билан бирга, аёллар томонидан содир этилаётган жиноятларнинг кўпайиши асносида тегишли ташкилотлар нима билан банд?

Биламизки, мазкур соҳани назорат қилиши лозим бўлган ўнлаб тузилмалар мавжуд. Жумладан, Оила ва хотин-қизлар давлат қўмитаси, Сенатнинг Хотин-қизлар ва гендер тенглик масалалари қўмитаси, Қонунчилик палатасининг Оила ва аёллар масалалари бўйича комиссияси, Хотин-қизларнинг жамиятдаги ролини ошириш, гендер тенглик ва оила масалалари бўйича республика комиссияси, «Оила ва хотин-қизлар»

илмий-тадқиқот институти, Сенат қошидаги «Гендер адолат етакчиси» жамоаси, Хотин-қизларнинг бандлигини таъминлаш ва саломатлигини мустаҳкамлаш марказлари, «Оқида аёллар» ҳаракати, Қайноналар кенгаши...

Юқоридагиларнинг аксарияти вилоятлар ва ҳатто туманлар даражасида филиалларга эга. Журналистлар ташкилотларнинг ҳар бири учун давлат бюджетидан миллиардлаб сўм пул ажратилишини билади. Давлат машиналари берилган. Ҳашаматли бинолар хизматларида. Самаранин қай даражада эканини эса таҳлилдан ҳис этиш мумкин.

### ЭСКИЧА ИШЛАБ, НАТИЖАГА ЭРИШИБ БЎЛМАЙДИ

Бизнинг-ча, муаммоларнинг барчаси эскича ишлаш усулларида бориб тақалади. Яъни ҳисоботлар учун ишлаш, бир-биридан кўчирилган ҳисоботларни юқорига узатиш орқали кун кўришга йўналтирилган ишлаш услуги давом этмоқда. Замон ўзгарган, замон шиддатли. Юқоридаги ташкилотлар эса ҳамон 1990-йилларда қолиб кетгандек туюлади. Тўғриси, мазкур тизимлардан масала бўйича таклифлар сўралса,

психолог ёрдами, маҳалларда тарғибот-ташвиқот ишларини кучайтириш билан боғлиқ таклифлар ёғилишига шубҳа йўқ. Бу каби сийқаси чиққан таклифларни бериш ҳар кимнинг ҳам кўлидан келади.

Демак, тез орада жараёнга замонавий тажрибалар жалб қилинмаса, тизимлардаги ҳисоботпарастликка барҳам берилмаса, масала ўткирлашиб бораверади.

Улуғбек ИБОДИНОВ.

МАҲАЛЛАДА НИМА ГАП?

## «Олтин жағис» янада обод бўляпти



Нукус шаҳридаги «Олтин жағис» маҳалла фуқаролар йиғинида 4 минг 200 нафардан зиёд аҳоли истиқомат қилади. Ўтган йили ташкил этилган ушбу янги маҳалла айни дамда ҳақиқий бунёдкорлик майдонига айланган.

— Шу кунгача маҳалламиздаги 34 кўчанин 4 тасига асфальт ётқизилди, 19,5 км. йўлга шағал ва кум аралашмаси тўшалди, — дейди «Олтин жағис» маҳалласи ҳоким ёрдамчиси Ойбек Йўлдошев. — Шунингдек, хонадонларга узлуксиз электр энергияси етказиб бериш мақсадида янги трансформаторлар, кўчаларга 100 дан ортқ темир-бетон устунлар ўрнатилиб, ичимлик сув ва табиий газ линиялари тортилди. Шу билан бирга, кўча ва хиёбонларни ободонлаштириш ҳамда

кўкаламзорлаштириш ишлари амалга оширилди. Ҳозирда маҳалла фуқаролар йиғини учун янги бино, учта болалар ва спорт майдончалари ҳамда қатор хизмат кўрсатиш шохобчаларини қуриш ишлари олиб борилмоқда. Иккита ўринда мобил тиббий ёрдам кўрсатиш пункти ташкил қилинган. Худудда янгидан барпо этилган умумтаълим мактаби ва мактабгача таълим муассасаси фаолият кўрсатмоқда.

С. ИБРОҲИМОВ.



ТИББИЁТ

«Жамиятимизда шифокорларга нисбатан хунук ҳолатлар юз бермоқда. Бу жуда ёмон ҳолат. Шунинг учун шифокорларнинг шароитларини яхшилаш, уларнинг ўрни ва аҳамиятини кучайтириш, шифокорларга кўпроқ имкониятлар яратиб беришимиз керак».

# «Тез ёрдам» шифокорини уриш нега «урф»га айланяпти?

ОДАМЛАРИМИЗГА ДОКТОР БУ ДЎСТ, ДЎСТ БЎЛГАНИДА ҲАМ ЭНГ ЯҚИН ДЎСТ ЭКАНИНИ УҚТИРИШИМИЗ ДАРКОР. ЗЕРО, ШИФОКОРНИ УРИБ, ДАРДИГА МАЛҲАМ ТОПГАН ИНСОН ҲАЛИ БЎЛМАГАН



Шароф Рашидов туманидаги Қанғли тез тиббий ёрдам кўрсатиш шохобчасида ишловчи шифокор Хайрулла Маҳкамов чақирув бўйича борганида хонадон эгалари томонидан калтаклангани ҳақидаги хабар шов-шув қилинган. Оқибатда шифокор орқа миянинг лат ейиши жароҳати билан ҳушини йўқотган ва бир қанча вақт жонлантириш бўлимида даволанган. Яхшики ҳамкасблари Х.Маҳкамовнинг ҳаётини сақлаб қола олишди.

**Афсуски, шундай. Шифокорларни калтаклаш билан боғлиқ ҳолатларни кунда-кунора тарқалаётган хабарлардан ҳам англаш мумкин. Масалан, 11 октябрь куни Тошкент шаҳрида тиббиёт ходимларига нисбатан яна бир зўравонлик рўй берди. Яққасарой тумани Тез тиббий ёрдам шифокори ва ёрдамчиси-фельдшер аёл аёвсиз калтакланган.**

Маълум бўлишича, кекса кишининг тоби қочгани сабаб чақирилган «Тез ёрдам» шифокорлари ўз вазифасини бажариб турган вақтида беморнинг фарзанди уларни ҳақоратлайди. Бу билан кифояланмай, шифокорни аёвсиз калтаклаган. Ҳатто фельдшер аёлни аяб ўтирмаган. Шунга қарамай, беморнинг аҳолини билган шифокорлар уни Республика тез ёрдам шошилинч марказига етказиб олиб келишади. Беморни қутқариш жараёнида «Тез ёрдам» шифокорларининг ўзи ҳам оғир тан жароҳати олиб, шифохонада даволаняпти.

Умуман, бу каби ҳолатлар тез-тез такрорланмоқда. Мисол учун, июль ойида Андижон туманида фуқаро «Тез ёрдам» шифокорини уриб ташлагани тасвирланган лавҳалар тарқалган эди. Кейинроқ муштумзўрга ҳеч қандай чора кўрилмаётганини айтиб, қатор фаоллар норозилик билдирган. Бундан ташқари, тиббиёт муассасаларида ҳам соғлиқни сақлаш ходимларини куракда турмайдиган сўзлар билан ҳақоратлаш, уларни уриш ҳолатлари кузатилган.

Шароф Рашидов туманидаги Қанғли тез тиббий ёрдам кўрсатиш шохобчасида ишловчи шифокор Хайрулла Маҳкамов чақирув бўйича борганида хонадон

эгалари томонидан калтаклангани ҳақидаги хабар шов-шув қилинган. Оқибатда шифокор орқа миянинг лат ейиши жароҳати билан ҳушини йўқотган ва бир қанча вақт жонлантириш бўлимида даволанган. Яхшики ҳамкасблари Х.Маҳкамовнинг ҳаётини сақлаб қола олишди. Аввалроқ, Наманганда 25-30 ёш атрофидаги йигит катта ёшли шифокорни калтаклаётгани тасвирланган видеолар тарқалган. Натижада 59 ёшли врач тан жароҳати олиб даволанишига тўғри келди ва ҳоказо...

**ҲАТТО ЧЕТ ЭЛЛИКЛАРНИ ҲАМ УРЯПМИЗ**

— Айрим ватандошларимиз юқоридаги аҳмоқона ва жиний ҳаракатларини ҳатто чет элларда ҳам содир этипти, — дейди шифокор, халқ депутатлари Қарши шаҳар кенгаши депутати Дилрабо Шарипова. — Масалан ўтган йили 33 ёшли Ўзбекистон фуқароси Санкт-Петербург шаҳрида номъялум сабабларга кўра, 19-сонли тез тиббий ёрдам бўлими шифокорини калтаклаган. Шифокорлар чақирув бўйича маст эркакка тиббий хизмат кўрсатиш учун келган эдилар. Гувоҳлардан бирининг айтишича, ватандошимиз хе-йўқ, бе-йўқ врачлар

билан уриша кетади. Жароҳатланган шифокор ёрдам сўраб Маринский касалхонасига мурожаат қилган. У ерда унга ёпиқ бош мия жароҳати ва мия чайқалиши ташхиси қўйилган. Натижада полиция юқоридаги фуқарога нисбатан маъмурий жавобгарлик қўлади.

Бу ўринда оммавий ахборот воситалари орқали ошкор бўлиб қолаётган вазиятлар хамир учидан патири эканини айтиш керак. Шифокорлар, айниқса, «Тез ёрдам» врачлари ҳар куни, ҳар навбатчиликда бир неча бор фуқаролар ҳақоратлари ёки зуғумига дучор бўлишади. «Тез ёрдам» ходими навбатчиликка жангга тайёрлангандек тайёрланади. Кун йўқки, врач тухматларга дуч келмаса. Фақат кўпчилик кўниқиб кетгани ёки андиша сабаб бунга эътибор қаратмай қўйган. Баъзилар эса касбининг ёқимсиз жиҳати сифатида қарайди, холос. Тўғри, айрим ҳолларда тез ёрдам вақтида етиб кела олмаслиги мумкин. Лекин бунда ҳеч қачон шифокорнинг айби бўлмайди. Кечикишининг сабаблари чуқур ва алоҳида эътибор қаратилиши лозим бўлган вазият.

**ВРАЧНИ УРИБ ДАРДИНГИЗГА ШИФО ТОПА ОЛМАЙСИЗ**

Афсуски, жамиятимизда шифокорларни калтаклаш тобора одат тусига кириб бормоқда. Аммо қачондир бунга ечим топиладими?..

Президентимиз 2020 йилги Мурожаатномасида бундай вазиятларга: «Жамиятимизда шифокорларга нисбатан хунук ҳолатлар юз бермоқда. Бу жуда ёмон ҳолат. Шунинг учун шифокорларнинг шароитларини яхшилаш, уларнинг ўрни ва аҳамиятини кучайтириш, шифокорларга кўпроқ имкониятлар яратиб беришимиз керак», дея муносабат билдирган эди. Бироқ орадан икки йил ўтса ҳам ушбу соҳа вакиллари тўқмоқ остида қолиб келмоқда. Соғлиқни сақлаш ва Ички ишлар вазирлиги мутасаддилари бу ҳолатни ҳам ҳолис ўрганиб, хулосани берадилар деган умиддамиз.

Бизнингча, тизимда тўпланиб қолган муаммолар ҳамда аҳоли ўртасида етарлича тарғибот ишларининг олиб борилмаётгани юқоридигиларга сабаб бўлмоқда. Одамларимизга доктор бу дўст, дўст бўлганида ҳам энг яқин дўст эканини уқтиришимиз даркор. Зеро, шифокорни уриб, дардига малҳам топган инсон ҳали бўлмаган.

У.ИБОДИНОВ.

## «UNIVERSAL GIGANT GROUP» МЧЖ БОШЛАНҒИЧ БАҲОСИ БОСҚИЧМА-БОСҚИЧ ОШИБ БОРИШ ТАРТИБИДА ЎТКАЗИЛАДИГАН ОЧИҚ АУКЦИОН САВДОСИГА ТАКЛИФ ЭТАДИ!

2022 йил 3 октябрдаги «Митан пахта тозалаш» АЖ акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиши №1-сонли буйруғига асосан қуйидаги объектлар сотувга қўйилади:

- ♦ Самарқанд вилояти Иштихон тумани «Бойлата» маҳалласи Оқтепа қишлоғида жойлашган «MITAN PAHTA TOZALASH» АЖга қарашли товухона (0009 қисми) биноси — бошланғич баҳоси 89 727 000 (саксон тўққиз миллион етти юз йигирма етти минг) сўм;
- ♦ Самарқанд вилояти Иштихон тумани «Ҳалқобод» маҳалласи Ҳалқобод қишлоғида жойлашган «MITAN PAHTA TOZALASH» АЖга қарашли Пиллахона (0012 қисми) биноси — бошланғич баҳоси 357 202 000 (уч юз эллик етти миллион икки юз икки минг) сўм.

**Аукцион савдоси 2022 йил 14 ноябрь куни соат 10:00 да Самарқанд вилояти Иштихон тумани Митан шаҳарчаси «MITAN PAHTA TOZALASH» АЖнинг мажлислар залида бўлиб ўтади. Аризалар Жиззах шаҳар «Заргарлик» маҳалласи 40-уйда қабул қилинади.**  
Электрон почта манзили: sher.turaev@gmail.com.

Талабгорлардан аризалар мазкур хабарнома эълон қилинган кундан бошлаб расмий иш кунлари соат 10:00дан 16:00гача савдо ташкилотчиси жойлашган манзилда қабул қилинади (12:00 дан 14:00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охириги мuddати: 2022 йил 12 ноябр куни соат 16:00. Юқоридаги мулк 2022 йил 14 ноябрдаги аукцион савдосида сотилмаган тақдирда, такрорий аукцион савдолари 2022 йил 29 ноябрь куни, 14 декабрь кунлари соат 10:00 да бўлиб ўтишини олдиндан маълум қиламиз. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун ариза, зақалат келишуви, зақалат пули туланганлик тўғрисидаги ҳужжат нусхаси, юридик шахсларнинг гувоҳнома ва таъсис ҳужжатлари

нусхаси, жисмоний шахслар паспорт нусхаси, вакил иштирок этганда ишончнома тақдим этилади.  
Аукцион савдоларида қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган зақалат келишувига асосан, бино бошланғич баҳосининг 15 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги зақалат пули ва «Ризлторлик хизматларининг миллий стандарти» (2-сон РХМС)га асосан, ахборот ва маслаҳат хизмати кўрсатганлик учун БҲМнинг уч баробари миқдоридаги маблағни савдо кунига қадар «UNIVERSAL GIGANT GROUP» МЧЖнинг «Ипотекабанк» АТИБнинг Жиззах вилояти филиалидаги ҳисоб-рақамига тўлаб бериши керак. Тел: 226-22-52. Лицензия: RR-0206.

**Аукцион савдоси натижаларига кўра ғолиб чиққан иштирокчига 20 кун ичида сотувчи «MITAN PAHTA TOZALASH» АЖ билан олди-сотди шартномасини расмийлаштириш мажбурияти юклатилади.**



# 15 ОКТЯБРЬ — ХАЛҚАРО ҚИШЛОҚ АЁЛЛАРИ КУНИ

Намунали хизматлари учун 2020 йилда «Мўтабар аёл» кўкрак нишони билан тақдирланган Ойбахор Ҳасанова нафақат жонкуярлиги, шу билан бирга, аҳил оиласи билан барчага ўрнатилган бўлиб келяпти. У вафот этган овсинининг фарзандларини ўз қарамоғига олиб, фарзандлари қатори уларга оналик қилди.



## Қишлоқ аёли — ҳар соҳада етакчи, билимдон, тадбиркор, оқила уй бекаси

КЕЧАГИНА ҚИШЛОҚ ЕРЛАРИДА КЕТМОН ЧОПГАН АЁЛ БУГУН ФЕРМЕР ХЎЖАЛИКЛАРИ РАҲБАРИ БЎЛДИ. ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИДА БАНД БЎЛГАН ХОТИН-ҚИЗЛАРГА НИСБАТАН МУНОСАБАТ ЎЗГАРИБ, ЭНГ ЧЕККА ҲУДУДЛАР ОБОДЛИГИ ВА РИВОЖЛАНИШИДА УНИНГ САЛМОҚЛИ ИШТИРОКИ МУНОСИБ ЭЪТИРОФ ЭТИЛМОҚДА

**Қишлоқ аёли... Бу иборани тилга олар эканми, кўз ўнгимизда ёзининг жазирама иссиғию қишнинг қаҳратон совуғида тандирда ўт ёқиб нон ёпаётган, тунлари бешиқдаги боласига алла айтиб, эрталаб далага шошаётган, сигир соғишу кир ювиш каби уй юмушларидан чарчамайдиган, тонг отишидан тортиб, то кун ботишигача тинмай меҳнат қилаётган ўзбек аёли сиймоси гавдаланаверади.**

Бирок замонлар ўзгаряпти. Бир пайтлар уй-рўзгор юмушларидан қўли ортмаган аёлларимиз бугун деярли барча соҳаларда эркаклар билан тенг ишлаяпти. Кечагина колхоз ерларида кетмон чопган қишлоқ аёли бугун фермер хўжаликлари раҳбари бўлди. Қишлоқ хўжалигида банд бўлган хотин-қизларга нисбатан муносабат ўзгариб, энг чекка ҳудудлар ободлиги ва ривожланишида унинг салмоқли иштироки муносиб эътироф этилмоқда.

БМТ 2007 йил 18 декабрдаги Бош Ассамблея йиғилишида 15 октябрни — Халқаро қишлоқ аёллари куни, деб эълон қилди. Мамлакатимизда ушбу сана илк бор 2019 йил 15 октябрда кенг нишонланди. Айни пайтда юртимизда Халқаро қишлоқ аёллари кунини муносиб ўтказиб, хотин-қизларнинг халқимиз олдидаги юксак меҳнатларини эътироф этиш, қишлоқ аёлларини моддий ва маънавий жиҳатдан рағбатлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

### «ОДИЙ БИР АЁЛГА ЭЪТИБОРДАН БОШИМ ОСМОНГА ЕТДИ»

«Аёлнинг қандайлигини билмоқчи бўлсангиз, ўчоқ бошини кўринг», дейди халқимиз. Миришкор туманидаги Оқмачит қишлоғида яшовчи Фароғат Отаева хонадонига бориб, бу гапнинг нақадар тўғри айтилганига яна бир бор амин бўлдик. Теваракатроф супуриб-сидирилган. Ҳовлида турли-туман гуллар чирой очиб турибди.

Фароғат Отаева ўз меҳна-

тидан обрў ва барака топаётган пиллакорлардан бири. Оиласининг аҳил-иноқлигига ҳамма ҳавас қилади. Олти нафар фарзанди, суюклари набиралари бор. Ипак курти боқиш жуда катта меҳнат ҳамда масъулият талаб қилгани боис қўл-оёғи чаққон келинлар опанинг кўмакчиси.

— 14-15 ёшимдан ипак курти уруғини парваришлайман, — дейди Фароғат опа. — Бу ишнинг сир-асрорларини онамдан ўргандим. Кўз илғар-илғамас ипак курти уруғи кўз олдингизда жонланиб, оппоққина пиллага айланганининг ўзи мўъжиза. Тут барглари майдалаб бериб, намлигини меъёрида сақлаб, ҳароратини бир хилда ушласангиз, пилладан мўл ҳосил оласиз. Қарийб беш йилдан буён ипак куртини бир йилда икки маротаба боқишни йўлга қўйганмиз. Бу усул яхши самара берапти.

Фароғат Отаева, ҳеч бир муболағасиз, пиллачилик фидойисидир. Ўз касбидан эл аро ҳурмат топган бу самимий аёлнинг чеҳрасидаги чизикларда ипак куртининг оппоққина пиллага айланган даври ораллиғидаги машаққатларини кўрамыз.

Тиниб-тинчимас Фароғат Отаеванинг меҳнатлари эътироф этилиб, 2018 йилда «Маҳалла ифтихори» кўкрак нишони, 2019 йилда «Дўстлик» ордени билан мукофотланди.

— Яратганга доимо шукр қиламан, кўп ниятларимга етдим, — дейди Фароғат Отаева. — Энг асосийси, оддий бир қишлоқ аёли сифатида Президентимиз билан икки марта учраш-

ганимдан бошим осмонга етди. Ҳеч қачон бу ҳақда ўйламагандим. Бундай эъзоз ва эътибор учун давлатимиз раҳбаридан миннатдорман.

Ҳа, шукроналикда, ҳалол меҳнатда ҳикмат кўп. Қишлоқнинг содда бир аёли билан суҳбатлашиб, буни хис этдик.

### МАҲАЛЛА АҲЛИ БИЛАН ҲАМНАФАС АЁЛ

Ойбахор Ҳасанова — асли Самарқанд вилоятидан. Тақдир тақозоси билан Миришкор туманидаги Айзобод қишлоғига келин бўлиб тушган. Ҳаёти, умрининг мазмунини деҳқончилик равнақида кўрган Ойбахор опа тракторчи, оддий ишчи, бригадир, бўлим бошлиғи бўлди. Миришкорнинг чўл-дашт ерларида пахта, бошоқли дон етиштириш, ипак курти боқишда катта муваффақиятларга эришиб, қишлоқ хўжалиги соҳасида ўзига хос тажриба ва маҳорат мактаби яратди. Бугунги кунда у «Чаманзор» маҳалласида хотин-қизлар фаоли вазифасида фаолият олиб бормоқда.

— «Чаманзор» маҳалласида ободонлаштириш, аҳолининг турмуш фаровонлигини юксалтиришда Ойбахор Ҳасанованинг хизматлари катта, — дейди туман ҳокими ўринбосари, оила ва хотин-қизлар бўлими бошлиғи Замира Маманазарова. — Опа маҳалласидаги намунали оилаларнинг ҳаётий тажрибасини бошқа оилалар ўртасида оммалаштиришни йўлга қўйиб, яхши натижаларга эришди.

«Чаманзор» бугун тумандаги энг намунали маҳаллалар сирасига киради.

Маҳалла маслаҳатчиси лавозимида иш бошлаган Ойбахор Ҳасанова бугун ҳудуддаги 500 дан ортиқ хонадонда яшовчи қарийб 2,5 минг нафар аҳолининг кўнглига йўл топа олди. Айниқса, маҳалладаги 118 нафар хотин-қизларнинг яқин кишисига айланди. Уларнинг яхши-ёмон кунларида ёнида турди, қувончу мушбатларига шерик бўлди. Шу сабаб маҳалла орасида катта ҳурмат ва эътиборга эришди.

Ойбахор Ҳасановани излаб маҳалла идорасига борсақ, отинойи билан оилавий можаролардан бирини ҳал этиш учун кетганини айтишди. Хотин-қизлар фаоли бирмунча вақт ўтгач, юзида табассум билан кириб келди.

— Хонадонма-хонадон юриш даврида маҳалланинг чекка бир ҳудудида чайлада яшайдиган опа-сингилларнинг ҳеч қандай ҳужжати йўқлиги аниқланди, — дейди хотин-қизлар фаоли. — Опа-сингилларнинг иккаласи ҳам пенсия ёшидан ўтган. Югуриб-елиб, уларга паспорт ва гувоҳномалари-

ни олиб бердик, нафақага чиқардик. Бунда маҳалла оқсоқолининг хизмати катта бўлди. Йўл-йўлакай ушбу оиладан хабар олиб келяпман. Маҳалладошларимнинг яхши-ёмон кунларида ёнида бўлмасам, уларнинг иссиқ-совуғидан хабар олиб, қувончу қайгуларини бирга баҳам кўрмасам, менга хузур-ҳаловат татамайди.

Дарҳақиқат, Ойбахор опанинг саъй-ҳаракати билан «Аёллар дафтари»га киритилган 54 нафар ишсиз аёлнинг бандлигини таъминлаш мақсадида маҳаллада кичик гилам тўқиш ва тикув чехлари очилди. Хотин-қизлар ўқув курсларида ўқитилиб, сертификатлар олишди. Шунингдек, уларга субсидия асосида тикув машиналари берилди.

Намунали хизматлари учун 2020 йилда «Мўтабар аёл» кўкрак нишони билан тақдирланган Ойбахор Ҳасанова нафақат жонкуярлиги, шу билан бирга, аҳил оиласи билан барчага ўрнатилган бўлиб келяпти. У вафот этган овсинининг фарзандларини ўз қарамоғига олиб, фарзандлари қатори уларга оналик қилди. Бугун уларнинг барчаси уйли-жойли...

**Миришкордан қайтар эканми, бир неча йиллар илгариги қишлоқ аёллари билан бугунги хотин-қизларнинг турмуш тарзи, орзу ва режаларини таққослайман. Ҳаёти яхши томонга ўзгарган, орзулари бисёр, аниқ режа асосида ишлаб, турмушини обод қиляпти бугуннинг аёллари. Бировларга эмас, ўз кучи ва қобилияти, билими ва тажрибаси, малакаси ва маҳоратига ишонган қишлоқ аёллари...**

Шоҳиста БОЗОРОВА.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2019 йил 24 сентябрда 0019 рақами билан давлат рўйхатидан ўтказилган.

Бош муҳаррир **Бахтиёр АБДУСАТТОРОВ**  
«Mahalla» газетаси муҳаррири **Санжар ИСМАТОВ**  
«Mahalla ko'zgusi» журнали муҳаррири: **Хайрулла АБДУРАҲМОНОВ**  
Дизайнер: **Абдулазиз АҲМЕДОВ**

**Mahalla**

Маҳалла ва нурунийларни қўллаб-қувватлаш вазирлигининг ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий газетаси

МУАССИС:

«Mahalla» nashriyot-matbaa uy'i» МЧЖ

Тахририят манзили: Тошкент шаҳри, Мустақиллик шох кўчаси, 59-уй.  
Индекс: **100192**  
Телефонлар: **71 233-39-89,**  
Қабулхона: **71 233-10-92.**  
Обуна бўлими: **71 233-10-92.**  
Баҳоси келишилган нарҳда.  
Нашр кўрсаткичи: **148**

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонасида чоп этилди. Босмаҳона манзили: Тошкент шаҳри Буюк Турон кўчаси 41-уй.  
Улчами — АЗ, 2 босма табоқ, **7 900** нусхада чоп этилди.  
Буюртма №: Г-1018  
Газета тахририят компьютер марказида саҳифаланди ва офсет усулида босилди.

